

узба  
49  
N-85

МАСЪУДХОН ИСМОИЛОВ



تاتل تازى تازى تازى  
تاتل تازى تازى تازى



Ўқув қўлланма



узб  
49  
21-85




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРАТИ  
ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАСЪУДХОН ИСМОИЛОВ

# ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ ВА ФОРС ТИЛИ

6988 2300/2



Тошкент  
«Akademnashr»  
2010

Ушбу ўқув қўлланма олти ўқув йилларининг тарих факультетлари ўқув режасига мувофиқ тузилган. Унда талабаларга тарихий ёш мерқадимизнинг аксарият қисми битилган эски ўзбек ёзувини ўқитиши, форс тилининг тарихий асарларни ўқиш услубларини ҳамда замонавий форс тилининг грамматик қурилиши, лугат бойлиги билан таништириши ва форсча матнларни ўқиш, ёзиш кўникмаларини шакллантириши кўзда тутилган.

Қўлланмада форс тилининг фонетик хусусиятлари, форс ёзуви ва унинг қисқача тарихи билан таништирилади ҳамда араб-форс алифбоси ўргатилади. Ҳар бир сабоқ бир мавзуга бағишланган. Сабоқларда дастлаб грамматик маълумот берилади. Сўнг шу мавзунинг мустақамлаш мақсадида ўқиш учун матн, янги учраган сўзларнинг форсча-ўзбекча лугати ва машқлар бериб борилади.

Ўқиш учун матнлар илова қилинган матнлар форс-тожик тилида ёзилган тарихий асарлардан, форс мунтоз адабиёти намуналаридан олинган.

Қўлланмадан тарих ва архившунослик мутахассислиги бўйича таълим олувчи талабалар “Эски ўзбек ёзуви ва шарқ тиллари”, “Манбаишунослик”, “Дипломатика” каби фанлардан амалий ишларини ёзишда фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир:**

М.Ҳасанов,  
тарих фанлари доктори

**Тақризчилар:**

Ш.Мусоев,  
ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими,  
тарих фанлари номзоди  
Ҳ.Лутфиллаев,  
ЎзМУ тарих факультети “Манбаишунослик ва махсус тарих фанлари” кафедраси ўқитувчиси

Ўқув қўлланма Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгашининг 2009 йил 29 декабрдаги 5-сонли мажлисида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-373-28-0

© М. Исмоилов «Эски ўзбек ёзуви ва форс тили»  
«Akadempress» нашриёти, 2010 й.

## 1-МАВЗУ

### КИРИШ. ФАНИНИГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

#### Режа:

1. “Эски ўзбек ёзуви ва форс тили” фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари.
2. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
3. Фаннинг долзарб масалалари.

**“Эски ўзбек ёзуви ва форс тили” фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари.** Мустақиллик йилларида тарих соҳаси бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашда бир қатор сезиларли ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарориди ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини ҳолисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, тадқиқотларни замонавий талаблар даражасига кўтариш, ҳаққоний тарихни тарихий манбалар асосида ўрганиш, иш юритиш ва архив иши соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларини ёритишда, илмий тадқиқ қилишда ёзма манбалар ва архив ҳужжатлари катта аҳамиятга эга. Ана шундан келиб чиқиб, “Эски ўзбек ёзуви ва форс тили” фанининг аҳамиятини белгилаш мумкин. Демак, фаннинг мақсади ёш тарихчиларда эски ўзбек ёзуви ва форс тилидаги ёзма манбалар билан ишлаш кўникмасини шакллантиришдан иборатдир.

**Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлигига келсак,** “Эски ўзбек ёзуви ва форс тили” фани тарих, архившунослик “Эски ўзбек ёзуви ва шарқ тиллари”, “Манбашунослик”, “Дипломатика” каби фанлар билан бевосита алоқадор ҳисобланади. Уларни айро ҳолда тасаввур этиш қийин.

Ўзбекистон халқлари маънавий мероси қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, уни бирламчи манбалар асосида ҳар томонлама ўрганиш юқоридаги фанларни мукамал ўзлаштиришни талаб этади. Зеро, узоқ мозийдан бошлаб мутафаккир олимлар томонидан яратилган ва бизгача етиб келган ёзма мерос ҳозирги тадқиқотлар учун муҳим илмий маълумотларни беради.

**Фаннинг долзарб масалалари.** Мустақиллик шароитида тарих фанини илмийлик ва ҳолислик асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилётган, миллий-маънавий қадриятларимиз қайта тикланаётган ва республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёни кучайиб

бораётган бир даврда, шубҳасиз, тарихий манбаларни топиш, ўрганиш ва таҳлил этиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун эса тарихий манбаларни тадқиқ этиш усулларидан фойдаланишни билиш зарурдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов: “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган эдилар.

Марказий Осиё халқларининг тарихини ўрганишда расмий ҳужжатлар ҳам салмоқли ўрин тутди. Жумладан, Бухоро амирлиги тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланувчи амирларнинг фармонлари, ёрлиқлари, қозихона ҳужжатлари тадқиқоти бўйича қатор илмий ишлар қилинган бўлса-да, бироқ масаланинг манбашунослик асосларига оид тадқиқотлар етарли эмас ва бу каби бирламчи манбаларни тадқиқ этиш долзарб илмий муаммолар қаторида турибди.

Айниқса, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигидаги маданият, давлатчилик тарихи билан боғлиқ масалаларни мазкур даврда яратилган манбалар асосида ёритиш муҳимдир.

Шундан келиб чиқиб, ушбу қўлланмада эски ўзбек ёзуви ва форс тилини ўргатиш асосий мақсад қилиб белгиланди, форс тилини имкон қадар тезроқ ўзлаштиришга кўмаклашишга алоҳида эътибор берилди.

### Савол ва топшириқлар

1. “Эски ўзбек ёзуви ва форс тили” фанининг аҳамияти ҳақида гапиринг.
2. “Эски ўзбек ёзуви ва форс тили” фани қайси фанлар билан боғлиқ?
3. Эски ўзбек ёзуви, араб ва форс тили ҳақидаги тушунча ва тасаввурларингизни гапириб беринг.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 7-жилд. – Б. 133.

## 2-МАВЗУ

### АРАБ АЛИФБОСИГА АСОСЛАНГАН ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ ХУСУСИЯТЛАРИ

#### Режа:

1. Араб алифбоси ҳарфлари.
2. Ҳаракатлар ва ҳамза.
3. Араб алифбосининг асосий хусусиятлари.

Араб алифбосида 28 та ҳарф бўлиб, аксарияти ундошлардир. Араб ёзувида қисқа унлилар “ҳаракатлар” деб аталувчи белгилар орқали ифодаланади.

**Ҳаракатлар.** Араб алифбосида ундош товушлар ва узун унлиларгина айрим ҳарфлар билан ифодаланади. Қисқа унлилар – “а”, “и”, “у” ларни ифодалаш учун эса ҳарфларнинг ости ва устига қўйиладиган ҳаракатлардан фойдаланилади. Одатда, бу белгилар ёзувда ҳар доим ҳам қўйилавермайди, дарслик ва қўлланмаларда, луғатларда араб тилидан ўзлашган сўзларни қандай талаффуз этилишини кўрсатиш учун ишлатилади.

Қуйида бу белгилар келтирилган:

1. (  $\overset{\cdot}{\text{  }}$  ) фатҳа белгиси, форсийда забар деб номланади. Бу белги ҳарф устига қўйилиб, қисқа “а” товушини билдиради.
2. (  $\underset{\cdot}{\text{  }}$  ) касра белгиси, форсча зир дейилади. Бу белги ҳарф остига қўйилиб, қисқа “и” товушини билдиради.
3. (  $\overset{\circ}{\text{  }}$  ) замма (пиш) белгиси. Бу белги ҳарф устига қўйилиб, қисқа “у” (У) унли товушини билдиради.
4. (  $\overset{\cdot}{\underset{\cdot}{\text{  }}}$  ) сукун белгиси. Бу белги буғин охиридаги ҳарф устига қўйилади, яъни буғиннинг ёпиқлигини билдиради.
5. (  $\overset{\cdot}{\underset{\cdot}{\overset{\cdot}{\text{  }}}}$  ) ташдид белгиси. Бу белги ундошлар устига қўйилиб, шу ундошнинг икки мартаба талаффуз этилиши лозимлигини кўрсатади.
6. (  $\sim$  ) мадд белгиси, кўпинча, сўз бошида “о” товушини ифодалаш учун алиф ҳарфи устига қўйилади.
7. (  $\overset{\cdot}{\underset{\cdot}{\overset{\cdot}{\text{  }}}}$  ) танвин белгиси сўз охиридаги ҳарф устига қўйилиб, ан/ин/ун тарзида ўқилади.
8. (  $\text{ء}$  ) ҳамза белгиси.

Шу ўринда араб ёзувида учрайдиган бир белги – ҳамза (◌) ҳақида тушунча бериш лозим. Айрим олимлар алифбони 29 та ҳарфдан иборат қилиб, ҳамзани алоҳида ҳарф десалар, бошқалар уни бир белги сифатида қабул қилганлар. Хуллас, бу белги ўзига хос талаффузга эга бўлиб, махражда “ҳойи ҳавваз” ҳарфига яқин туради ва “алиф” ҳарфи сингари қайси ҳаракатни олишига қараб, “а”, “и”, “у” товушларини ифодалайди.

Бу белги ўни ифодалайди ва бугин ажратиш учун ишлатилади: таълим, таъсис, таъкид каби.

Демак, қисқа “а” – фатҳа (◌َ), қисқа “и” – касра (◌ِ), қисқа “у” – замма (◌ُ) белгилари ҳарфларнинг ости ёки устига қўйилади. Масалан, “мактаб” сўзи араб ёзувида фақат тўртта ундош воситасида “мкѳб” тарзида ёзилади. Фатҳа белгиси “м” ва “т” ҳарфлари устига қўйилиб, ушбу ундошлардан кейин қисқа “а” товуши ўқилади.

**Араб алифбосининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:**

- а) араб ёзуви ўнгдан чапга ўқилади;
- б) ҳарфлар бош ва кичик ҳарфларга ажратилмайди;
- в) бугин кўчирилмайди;
- г) тиниш белгиларидан вергул (◌) ва сўроқ белгиси (◌?) тескари қўйилади;
- д) айни бир хил ҳарф бир сўзда ёнма-ён келиб, икки марта талаффуз қилинса-да, биттаси ёзилади. Ҳарф икки марта ўқилиши кераклигини билдириш учун махсус ташдид (◌) белгисидан фойдаланилади, аммо, кўпинча, бу белги ёзилмайди;
- е) бугин ёпилганини сукун (◌) белгиси англатади;
- ж) араб алифбосидаги 6 та ҳарф икки хил кўринишга, 22 таси эса тўрт хил кўринишга эга.

Қуйидаги жадвалда икки томонга қўшиладиган тўрт хил кўринишдаги ҳарфларнинг ҳар икки томонига + белгиси, фақат бир томонга қўшиладиган ҳарфларга + ва – аломатлари ёзиб кўрсатилган. Ушбу жадвал араб ёзувининг ўнгдан чапга ўқилишига мослаб тузилган.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида кўриниши	ҳарф англатадиган товуш	ҳарфнинг номи	№
ا	ا	ا	ا	а, и, у	– алиф +	1
ب	ب	ب	ب	б	+ бе +	2
ت	ت	ت	ت	т	+ те +	3

ث	ث	ث	ث	с	+се +	4
ج	ج	ج	ج	ж	+ жим +	5
ح	ح	ح	ح	ҳ	+ ҳе (ҳойи хутгий) +	6
خ	خ	خ	خ	х	+ хе +	7
د	د	د	د	д	- дол +	8
ذ	ذ	ذ	ذ	з	- зол +	9
ر	ر	ر	ر	р	- ре +	10
ز	ز	ز	ز	з	- зе +	11
س	س	س	س	с	+ син +	12
ش	ش	ش	ش	ш	+ шин +	13
ص	ص	ص	ص	с	+ сод +	14
ض	ض	ض	ض	з	+ зод +	15
ط	ط	ط	ط	т	+ то (итқи) +	16
ظ	ظ	ظ	ظ	з	+ зо (изғи) +	17
ع	ع	ع	ع	а, и, у	+ айн +	18
غ	غ	غ	غ	ў	+ ғайн +	19
ف	ف	ف	ف	ф	+ фе +	20
ق	ق	ق	ق	қ	+ қоф +	21
ك	ك	ك	ك	к	+ коф +	22
ل	ل	ل	ل	л	+ лом +	23
م	م	م	م	м	+ мим +	24
ن	ن	ن	ن	н	+ нун +	25



و	و	و	و	в	– вов +	26
ه	ه	ه	ه	ҳ	+ ҳе (ҳойи хавваз) +	27
ي	ي	ي	ي	й, ё, ю	+ йо +	28

Араб ёзуви ўз тараққиёти давомида турли ўлкалардаги хаттотлар томонидан бир неча кўринишда ёзиб келинганлиги боис, бу ёзувнинг бир неча турлари яратилган. Машҳур хат турларига – куфий, сулс, руқъа, насх, таълиқ, райҳоний ва настаълиқ хатларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозирги кунда, асосан, насх ва настаълиқ турларидан кенг фойдаланилади.

### Савол ва топшириқлар

1. Ҳаракатлар ва ҳамза нима?
2. Араб алифбосини ёд олинг.
3. Араб алифбосининг асосий хусусиятларини айтинг.

### 3-МАВЗУ ЭСКИ ЎЗБЕК ВА ФОРС АЛИФБОСИ. АБЖАД ҲИСОБИ

#### Режа:

1. Араб алифбосига қўшилган ҳарфлар.
2. Араб алифбосига асосланган эски ўзбек ва форс алифбоси.
3. Абжад ҳисоби.
4. Ҳижрий санани милодийга айлантириш.

Ўтган дарсда кўриб ўтганимиздек, араб алифбоси 28 ҳарфдан иборат. Араб алифбосига асосланган эски ўзбек ва форс ёзувида мазкур алифбога яна тўртта ҳарф қўшилган. Чунки эроний ва туркий халқлар араб алифбосини қабул қилган вақтларда, унга ўз тиллари учун хос бўлган товушларни акс эттирувчи пэ – п, чэ – ч, жэ – ж, гоф – г ҳарфларини ҳам илова қилдилар. Қўшимча суратда қабул қилинган бу тўрт ҳарф араб алифбосидаги бэ – б, жим – ж, зе – з, коф – к ҳарфларига қўшимча нуқта ва белгилар қўйиш орқали қабул қилинган.

Натижада араб алифбосига асосланган эски ўзбек ва форс ёзувида 32 ҳарfli алифбо юзага келган.

ҳарфнинг номи	№	ҳарфнинг номи	№
сод ص	17	алиф ا	1
зод ض	18	бе ب	2
то ط	19	пе پ	3
зо ظ	20	те ت	4
айн ع	21	се ث	5
ъайн غ	22	жим ج	6
фе ف	23	чим چ	7
қоф ق	24	ҳе ح	8
коф ك	25	хе خ	9
гоф گ	26	дол د	10
лом ل	27	зол ذ	11
мим م	28	ре ر	12
нун ن	29	зе ز	13
вов و	30	же ژ	14
ҳе ه	31	син س	15
йо ي	32	шин ش	16

**Абжад ҳисоби.** Араб алифбоси ҳарфлари рақамларни ҳам ифодалайди. Яъни ҳар бир ҳарф сон қийматига ҳам эга бўлиб, улар куйидаги 8 сўзга жамланган:

- |                       |                       |
|-----------------------|-----------------------|
| 1. Абжад – اَبْجَد    | 5. Саъфас – سَعْفَس   |
| 2. Ҳавваз – هَوَز     | 6. Қарашат – قَرَشَات |
| 3. Хутти – حُطِّي     | 7. Саххаз – سَخَّز    |
| 4. Каламан – كَلَمَان | 8. Зазағ – زَزَاغ     |

و	و	و	و	в	– вов +	26
ح	ح	ح	ح	ҳ	+ ҳе (ҳойи хавваз) +	27
ي	ي	ي	ي	й, ё, ю	+ йо +	28

Араб ёзуви ўз тараққиёти давомида турли ўлкалардаги хаттотлар томонидан бир неча кўринишда ёзиб келинганлиги боис, бу ёзувнинг бир неча турлари яратилган. Машҳур хат турларига – куйий, сулс, руқба, насх, таълиқ, райҳоний ва настаълиқ хатларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозирги кунда, асосан, насх ва настаълиқ турларидан кенг фойдаланилади.

### Савол ва топшириқлар

1. Ҳаракатлар ва ҳамза нима?
2. Араб алифбосини ёд олинг.
3. Араб алифбосининг асосий хусусиятларини айтинг.

### 3-МАВЗУ ЭСКИ ЎЗБЕК ВА ФОРС АЛИФБОСИ. АБЖАД ҲИСОБИ

#### Режа:

1. Араб алифбосига қўшилган ҳарфлар.
2. Араб алифбосига асосланган эски ўзбек ва форс алифбоси.
3. Абжад ҳисоби.
4. Ҳижрий санани милодийга айлантириш.

Ўтган дарсда кўриб ўтганимиздек, араб алифбоси 28 ҳарфдан иборат. Араб алифбосига асосланган эски ўзбек ва форс ёзувида мазкур алифбога яна тўртта ҳарф қўшилган. Чунки эроний ва туркий халқлар араб алифбосини қабул қилган вақтларда, унга ўз тиллари учун хос бўлган товушларни акс эттирувчи **пэ – п, чэ – ч, жэ – ж, гоф – г** ҳарфларини ҳам илова қилдилар. Қўшимча суратда қабул қилинган бу тўртта ҳарф араб алифбосидаги **бэ – б, жим – ж, зе – з, коф – к** ҳарфларига қўшимча нуқта ва белгилар қўйиш орқали қабул қилинган.

Натижада араб алифбосига асосланган эски ўзбек ва форс ёзувида 32 ҳарfli алифбо юзага келган.

ҳарфнинг номи	№	ҳарфнинг номи	№
сод ص	17	алиф ا	1
зод ض	18	бе ب	2
то ط	19	пе پ	3
зо ظ	20	те ت	4
айн ع	21	се ث	5
ъайн غ	22	жим ج	6
фе ف	23	чим چ	7
қоф ق	24	ҳе ح	8
коф ك	25	хе خ	9
гоф گ	26	дол د	10
лом ل	27	зол ذ	11
мим م	28	ре ر	12
нун ن	29	зе ز	13
вов و	30	же ژ	14
ҳе ه	31	син س	15
йо ي	32	шин ش	16

Абжад ҳисоби. Араб алифбоси ҳарфлари рақамларни ҳам ифодалайди. Яъни ҳар бир ҳарф сон қийматига ҳам эга бўлиб, улар куйидаги 8 сўзга жамланган:

1. Абжад – اَبْجَد
2. Ҳавваз – هَوَاز
3. Хутги – حُطَي
4. Каламан – كَلَمَن

5. Саъфас – سَعْفَاص
6. Қарашат – قَرَشَات
7. Саххаз – سَخْخَاز
8. Зазағ – زَزَاغ

Бу сўзлар ҳеч қандай маънога эга эмас. Абжад ҳисоби уларнинг биринчиси – “Абжад” номидан олинган.

Ҳарфларнинг сон қиймати қуйидагича:

1. алиф – 1	15. син – 60
2. бе – 2	16. айн – 70
3. жим – 3	17. фе – 80
4. дол – 4	18. сод – 90
5. ҳойи ҳавваз – 5	19. қоф – 100
6. вов – 6	20. ре – 200
7. зе – 7	21. шин – 300
8. ҳойи ҳутти – 8	22. те – 400
9. то – 9	23. се – 500
10. ё – 10	24. хе – 600
11. коф – 20	25. зол – 700
12. лом – 30	26. зод – 800
13. мим – 40	27. зо – 900
14. нун – 50	28. ғайн – 1000

Юқорида айтилганидек, эроний ва туркий халқлар тилларига хос бўлган товушларни акс эттирувчи пэ – п, чэ – ч, жэ – ж, гоф – г ҳарфларининг сон қиймати уларга асос бўлган араб ҳарфлари – бэ – б, жим – ж, зе – з, коф – к ҳарфларининг сон қийматига тенг бўлади. Яъни, пэ – 2, чэ – 3, жэ – 7, гоф – 20 қийматига эгадир.

Форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиётида ҳарфларнинг сон қийматларидан фойдаланиб, муҳим тарихий воқеалар, машҳур кишиларнинг таваллуд ёки вафоти саналарини ҳарфлар воситасида баён қилиш анъана бўлган. Бундай ҳарфлар йиғиндиси бир мисра, бир неча сўз ва баъзан бир сўзнинг ўзидангина иборат бўлиб, маълум санани билдирган. Бундай ҳисоб бўлиб ўтган воқеанинг вақтини англатгани учун “тарих” ҳам дейилади (“тарих” сўзи арабча, вақтни аниқлаш, бўлиб ўтган, содир бўлган деган маъноларни билдиради).

Абжад ҳисоби билан ёзилган “тарих”ларга бир неча мисоллар келтирамиз.

Форс-тожик адабиёти намояндаларидан бири ўз маснавийлари билан машҳур бўлган Жалолоддин Румийнинг таваллуд йили қуйидаги тарихда ёзилган:

سال مولود آن خدا آگاه  
شد رقم «أفتاب عالیجاه»

Мазмуни: У худобохабарнинг таваллуд йили “офтоби олижох”, деб ёзилди.

Мазкур байт охирида келтирилган “офтоби олийжох” бирикмасидаги ҳарфларни жамласак, 604 рақами ҳосил бўлади, бу ҳижрий сана ҳисобида Жалололдин Румийнинг таваллуд топган йилидир.

Машҳур тарихчи Хондамир ўзининг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида Алишер Навоий вафот этганда, Ҳиротнинг шоирлари унинг вафотига бағишлаб марсиялар, тарихлар ёзганлиги ҳақида хабар беради, бир нечта тарихларни келтиради.

Навоийнинг замондошларидан мавлоно Дарвишали мазкур санага атаб куйидаги назмни айтган экан:

هجرت برسول كرد آن سيد قوم  
تاريخ وفات اوست هجرت برسول

Мазмуни: У қавм сардори Пайғамбар ёнига ҳижрат қилди. (Шунинг учун ҳам) унинг вафоти тарихи “Ҳижрат ба расул”дир.

Мазкур бирикмадаги ҳарфларнинг сон қийматларини жамласак, 906 ҳосил бўлади. Бу ҳижрий йил ҳисобида Алишер Навоий вафот этган йилдир. Бошқа шоир Навоийнинг вафоти тарихини **جنت جنت** “жаннат, жаннат” сўздан ҳосил қилган.

Бир шоир Абдураҳмон Жомий тарихи учун **”دود از خراسان رفت”** – “Дуд” аз “Хуросон” рафт” жумласини ишлатган, яъни “Хуросон” сўзидаги ҳарфлар йиғиндисидан “дуд” сўзи йиғиндисини олиб ташлаш кераклигини қайд этган.

Юқорида келтирилган абжад ҳисобидаги тарихлар ҳижрий санага мос ёзилган. Ҳижрий сўзи арабча, “кўчиш” демакдир. Бу сана Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага кўчган йилдан бошлангани учун “ҳижрий йил”, деб номланади. Ҳижрий йил милодий 622 йилдан бошланган.

Милод сўзи арабча, “туғилиш” деган маънони билдиради. Милодий йил Исо алайҳиссаломнинг туғилган йилдан бошланган.

Ҳижрий санани милодийга айлантириш учун у 33 рақамга булинади, ҳосилани ҳижрий йилдан айириб, ортиб қолган сонга 622 сони қўшилади. Масалан, 1385 ҳижрий йилини милодийга айлантириб кўрайлик:

1)  $1385:33 = 41$  (қолдиқ 32 ҳисобга олинмайди).

2)  $1385 - 41 = 1344$ .

3)  $1344 + 622 = 1966$ .

Демак, ҳижрий 1385 йил, милодий 1966 йилга тўғри келар экан.

Милодий санани ҳижрийга айлантириш учун 33 рақамига бўлинади, ҳосилани ҳижрий йилдан айириб, ортиб қолган сонга 622 сони қўшилади. Масалан, 1385 ҳижрий йилни милодийга айлантириб кўрайлик:

1)  $1385:33 = 41$  (қолдиқ 32 ҳисобга олинмайди).

2)  $1385 - 41 = 1344$ .

3)  $1344 + 622 = 1966$ .

Демак, ҳижрий 1385 йил милодий 1966 йилга тўғри келар экан.

#### Савол ва топшириқлар

1. Нима учун араб алифбосига баъзи ҳарфлар қўшилган?
2. Абжад нима?
3. Абжад ҳисоби сўзларини ёд олинг.
4. Ҳижрий санани милодийга айлантиришга мисоллар келтиринг.

#### 4-МАВЗУ

### ФОРС ТИЛИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

#### Режа:

1. Форс тилининг тараққиёт босқичлари.
2. Форс тилида сўз урғуси.
3. Икки тартибли от кесимли гап.

**Форс тилининг тараққиёт босқичлари.** Ҳозирги форс тили ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб бўлган эрон тилларининг жануби-ғарбий гуруҳига киради. Ҳозирги форс тили билан тожик тилининг грамматик қурилиши ва луғат таркибининг асосий қисми бир-бирига шунчалар яқинки, бу тилларда сўзлашувчилар бир-бирларининг гапларини тушунадилар. Лекин тожик ва форс тиллари тарихан умумий, грамматик жиҳатдан яқин бўлишига қарамасдан, сўнгги вақтда тамомила бошқа-бошқа йўналишда ривожланмоқдалар.

Форс тили жаҳоннинг энг қадий тилларидандир. Бу тилда жуда бой ва ранг-баранг адабиёт яратилган.

Форс тили узоқ асрлар давомида Афғонистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Озарбайжонда ҳам қисман адабий ва давлат тили сифатида қўлланиб келган. Аммо бу ҳудудларда миллий тилларнинг ривожланиши, давлат тилига айланиши натижасида форс тили ўз аҳамиятини йўқотди. Форс тили ўзининг узоқ йиллик тарихи давомида уч тараққиёт босқичини босиб

ўтган. Булар форс тилининг қадимги, ўрта ва янги давр тараққиёт босқичларидир.

**Сўз урғуси.** Форс тилида сўз урғуси динамик урғудир. Бунда сўзларнинг маълум бир бўғинидаги унли товуш бошқа бўғиндаги унлиларга қараганда кучлироқ ва бошқа унлилардан алоҳида ажратиб талаффуз этилади. Кучлироқ талаффуз қилинган унли урғули ҳисобланади.

Форс тилида урғу эркин бўлмай, боғлиқ урғудир; урғу, асосан, сўнгги бўғинга тушади. Масалан: **дируз** – кеча, **мошин** – машина, **бали** – ҳа.

ми- ёки бэ- олдқўшимчалари билан бошланадиган феълларда сўз урғуси икки ўринга – олдқўшимчага ва шахс-сон қўшимчасига тушади. Ҳар икки урғу ўзининг кучи нуқтаи назаридан бир-бирига тенг келади. Масалан: **мирафтам** – борар эдим, **минависам** – ёзаман, **бэравид** – боринг, **бэгўйид** – айтинг, гапиринг.

Баъзан бир урғу иккинчи урғуга нисбатан кучлироқ талаффуз этилиши ҳам мумкин. Феълнинг бўлишсиз шаклларида биринчи кучли урғу инкор юкласи (на-) устига тушади. Масалан: **намиравам** – бормаيمان, **намидонам** – билмайман.

**Икки тартибли от кесимли гап.** Форс тилида гапнинг энг содда тури икки тартибли от кесимли гапдир. Бундай гаплар икки қисмдан – эга ва кесимдан иборат бўлади. Кесим сифатида от, сифат, равиш, сон, олмошлар келиб, ўзидан сўнг **аст** боғламасини олиб келади. **Аст** боғламаси ўзбек тилидаги **-дир** қўшимчасига тўғри келади.

Масалан:

این کتاب است Ин кэтоб аст – Бу китобдир.

این میز است Ин миз аст – Бу столдир.

От кесимли гапларда сўз тартиби қуйидагича бўлади: биринчи ўринда эга, иккинчи – кесим, гап охирида – учинчи ўринда боғлама келади.

این کتاب است  
3            2            1

Талаффузда бундай гаплар пауза билан икки қисмга ажратилади: биринчи қисмга эга, иккинчи қисмга кесим киради.

**аст** аст боғламаси ўзининг олдидаги сўз билан биргаликда, ундан ажратилмай талаффуз этилади ва урғу олмайди; урғу эгага ёки кесимнинг от қисмига тушади.

این دیوار است Ин дивор аст – Бу девордир.

این میز است Ин миз аст – Бу столдир.



است аст боғламасининг бўлишсиз шакли **нист** нист ҳисобланади.

این کتاب نیست Ин кэтоб нист – Бу китоб эмас.

آن در نیست Он дар нист – У эшик эмас.

### Савол ва топшириқлар

1. Форс тилининг тараққиёт босқичлари қандай?
2. Форс тилида сўз урғуси қай тартибда қўйилади?
3. Икки тартибли от кесимли гап ҳақида тушунча беринг.

### 5-МАВЗУ

## ФОРС ТИЛИДА КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ ВА СЎРОҚ ГАПЛАР

### Режа:

1. Кишилик олмошлари.
2. Аст боғламасининг тусланиши.
3. Форс тилида сўроқ гаплар.

**Кишилик олмошлари (замозэрэ шахси) қуйидагилардан иборат:**

шахс	Бирлик	кўплик
I	من ман – мен	ما мо – биз
II	تو тў – сен	شما шўмо – сиз
III	او، آن، وی у, он, вэй – у	ایشان، آنها ишон, онҳо – улар

Замонавий мулоқот тилида **ما** мо – биз, **شما** шўмо – сиз олмошлари кўпликни ифодаласа ҳам, яна кўплик қўшимчасини олиб, **ماها** моҳо – бизлар, **شماها** шўмоҳо – сизлар шаклида ҳам қўлланилади. Шунингдек, шўмо – сиз олмоши (ўзбек тилидаги сингари) бирликда ҳурмат маъносини ифодалашини ҳам мумкин.

Масалан: **شما کیستید؟** Шўмо кистид? – Сиз кимсиз?

**من دانشیارم** Ман донэшиёрам – Мен ўқитувчиман.

От кесим таркибига кирадиган **است** боғламаси тусланади, яъни эганинг қайси шахс ва сонда бўлишига қараб, шахс ва сонда ўзгаради. Унинг тусланиши қуйидаги жадвалда келтирилган.

Бўлишли

шахс	бирлик	кўплик
I	-ам <b>م</b>	-им <b>يم</b>
II	-и <b>ى</b>	-ид <b>يد</b>
III	-аст <b>است</b>	-анд <b>ند</b>

Бўлишсиз

шахс	бирлик	кўплик
I	-нистам <b>نېستم</b>	-нистим <b>نېستيم</b>
II	-нисти <b>نېستى</b>	-нистид <b>نېستيد</b>
III	-нист <b>نېست</b>	-нистанд <b>نېستند</b>

Мисол сифатида шоир сўзини қўйиб, аст боғламасини турлаб қўрамыз:

шахс	бирлик	кўплик
I	<b>من شاعرم</b> Ман шоэрам – Мен шоирман	<b>ما شاعریم</b> Мо шоэрим – Биз шоирмиз
II	<b>تو شاعرى</b> Тў шоэри – Сен шоирсан	<b>شما شاعرید</b> Шўмо шоэрид – Сиз шоирсиз
III	<b>او شاعر است</b> У шоир аст – У шоирдир	<b>ایشان (انها) شاعرند</b> Ишон (онҳо) шоэранд – Улар шоирлардир

Инкор гапларда боғламанинг қисқа шакли нист сўзига қўшилади. Масалан:

шахс	бирлик	кўплик
I	<b>من شاعر نیستم</b> Ман шоир нистам – Мен шоир эмасман	<b>ما شاعر نیستیم</b> Мо шоир нистим – Биз шоир эмасмиз
II	<b>تو شاعر نیستی</b> Тў шоэр нисти – Сен шоир эмассан	<b>شما شاعر نیستید</b> Шўмо шоэр нистид – Сиз шоир эмассиз

III	او شاعر نىست – U шоир эмас	آنها شاعر نىستند. шоир нистанд – Улар шоир эмаслар
-----	-------------------------------	---

Боғлама ўзига мустақил урғу олмайди ва ўзидан аввалги сўзга қўшиб талаффуз этилади.

Боғламанинг I ва II шахс шакллари о унлиси билан тугаган сўзларга қўшилганда, сўз охиридаги унли билан тугаган сўзларга қўшилганда, сўз охиридаги унли билан боғлама бошидаги а унлиси орасида й ундоши орттирилади. Агар сўз э билан тугаса, й орттирилмайди. Масалан:

#### Бирлик

من دانایم Ман донойим – Мен дономан.

تو دانایی Ту донойи – Сен доносан.

او داناست U доност – U донодир.

#### Кўплик

ما دانایم Мо донойим – Биз дономиз.

شما دانایید Шўмо донойид – Сиз доносиз.

انها دانایند Онҳо донойанд – Улар донодир.

**Сўроқ гаплар** қуйидаги воситалар ёрдами билан тузилади:

1) Форс тилида сўроқ гап ўзбек тилидаги каби дарак ва ундов гаплардан оҳангнинг тури билан фарқланади. Агар дарак гапларда оҳанг гап бошида кўтарилиб, гап охирида пасайса, сўроқ гапларда, аксинча, гап бошида оҳанг паст бўлиб, гап охирида кўтарилади:

این کتاب است Ин кэтоб аст? – Бу китобми?

این دفتر نىست Ин дафтар нист? – Бу дафтар эмасми?

2) Сўроқ гап сўроқ маносини англадиган мустақил сўроқ сўзлар ( **كى** **ки** – ким? **چه** **чэ** – нима? **كدام** **кўдом** – қайси? **كجا** **кўжо** – қерда? қерга? **چطور** **чэтувр** – қандай?, **چگونه** **чэгунэ** – қанақа? каби) ёрдами билан тузилади.

این چىست Ин чист? – Бу нима?

آن چيست؟ Он чист? – У ким?

کتاب چطور است? Кэтоб чэгўвразт? – Китоб қандай?

دفتر کجاست? Дафтар кўжост? – Дафтар қаерда?

دفتر چگونه است? Дафтар чэгунэ аст? – Дафтар қанақа?

3) Сўроқ гаплар сўроқни билдирадиган белгилар – **آيا** ойо ҳамда **مگر** магар сўроқ юкламалари ёрдамида, айна вақтда, оҳанг воситасида юзага келади.

**آيا** ойо юкламаси сўроқ гапда баён қилинган фикрга нисбатан шубҳа, ишончсизлик маъносини беради.

آيا اين مدام است? Ойо ин мэдод аст? – Бу қаламми?

آيا اين در است? Ойо он дар аст? – У эшикми?

مگر اين ميز است? Магар ин мизаст? – Бу столми?

Сўроқ юкламалари ҳар доим гап бошида келади ва кичик пауза билан ажратиб талаффуз этилади. Бундай сўроқ гапларнинг жавоби, одатда, **بلى** (бали, **ورى** **ори** – ҳа ёки **نخیر** **нахэйр** – йўқ сўзидан иборат дарак гап бўлиб, унинг сўнгидан яна тўлиқ жавоб бўлувчи гап келтирилади. Бу гап тасдиқ ёки инкорни билдирувчи сўзлар англаган маънони тўлдиради, тасдиқлайди ёки инкор қилади. Инкор маъносини англаувчи гап охирида **نېست** **нист** (эмас) сўзи келади.

آيا اين كيف است? Ойо ин киф аст? – Бу портфелми?

بلى اين كيف است? Балэ ин киф аст – Ҳа, бу портфелдир.

آيا اين دفتر است? Ойо ин дафтар аст? – Бу дафтарми?


نخیر اين دفتر نېست? Нахэйр ин дафтар нист – Йўқ, бу дафтар эмас.

### Матн

شما دانشجو هستید؟ بله، ما دانشجو هستیم. این کتاب است؟ نه، آن کتاب نیست. این چیست؟ آن دفتر است. متشکرم. این کتاب است [این کتابه].  
آیا شما دانشجو هستید؟ [شما دانشجو هستید؟]

### Савол ва топшириқлар

1. Форс тилида кишилиқ олмошлари нечта?



2. Аст боғламаси қандай тусланади?
3. Суроқ гап ҳақида тушунча беринг.
4. Матнни ўқинг, талаффузига эътибор беринг.

**6-МАВЗУ**  
**ЭГАЛИК ҚЎШИМЧАЛАРИ.**  
**КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ. ОТЛАРДА КЎПЛИК**

**Режа:**

1. Эгалик қўшимчалари.
2. Отларда кўплик.

**Эгалик қўшимчалари (замозэрэ муттасэлэ)** – отларнинг охирига қўшилиб, нарсанинг қайси шахсга ёки нарсага тегишли эканлигини кўрсатади. Форс тилида эгалик қўшимчалари қуйидагилардир:

шахс	бирлик	кўплик
I	ام -ам	امان -эмон
II	ات -ат	اتان -этон
III	اش -аш	اشان -эшон

шахс	бирлик	кўплик
I	کتابم кэтобам – китобим	کتابما кэтобэмон – китобимиз
II	کتابت кэтобат – китобинг	کتابتا кэтобэтон – китобингиз
III	کتابش кэтобаш – китоби	کتابشان кэтобэшон – китоблари

**Кўрсатиш олмошлари (замозэрэ эшорэ).** Форс тилида кишилик олмошлари шахс ўрнида қўлланса, кўрсатиш олмошлари ҳам шахс, ҳам нарса ўрнида қўлланаверади. Шунингдек, кишилик олмошлари гапда отлар бажарган грамматик вазифани бажарса, кўрсатиш олмошлари гапда сифатлар ўрнида келиб, аниқловчи вазифасини бажаради.

**این ин** – бу, **шу** олмоши яқиндаги нарсани кўрсатиш учун, **آن он** – у олмоши узоқдаги нарсани кўрсатиш учун қўлланилади.



چۈنين چۈنين – шундай, چۈنون – ундай, ушундай олмошлари ин ва он олмошларига чۈн сۈзини кۈшиш билан ясалган.

همين ҳамин – худди шу, همچونان، همچونين ҳамчۈнин, ҳамчۈنون – худди шундай, худди ушундай олмошлари ҳам шу йўл билан ҳосил бўлган.

Отларнинг кўплиги бирликдаги отларга ان -он, ها -ҳо кўшимчаларини кۈшиш орқали ҳосил қилинади. -он кўшимчаси кишиларнинг номини, сифатини, касбини билдирувчи сўзларга, -ҳо кўшимчаси эса, асосан, одамдан бошқа нарсаларнинг номини билдирувчи сўзларга кۈшилади. Масалан:

کارگر коргар – ишчи; کارگران коргарон – ишчилар.

دختر دۇхтар – қиз; دخترها دۇхтарҳо – қизлар.

پسر пэсар – ўғил; پسرها пэсарҳо – ўғиллар.

Агар -он кўшимчаси кۈшиладиган сўз унли тугаган бўлса, бу ҳолда баъзи бир фонетик ўзгаришлар юз беради:

1. ۵ билан тугаган сўзлар билан кўплик кўшимчаси орасида г товуши ортирилади. Масалан: نويسنده گان нависандэ – ёзувчи; گان нависандэгон – ёзувчилар; گوينده گуйандэ – сўзловчи; گان گуйандэгон – сўзловчилар. 2. ۵, ۷, ۸ унлиси билан тугаган сўзларга -он кўшимчаси кۈшилганда, сўз билан кўшимча орасига ى ۷ ундоши ортирилади. Масалан:

دانشجو донэшжу – талаба; دانشجويان донэшжуйон – талабалар

3. Баъзи у унлиси билан тугаган сўзларга -он кўшимчаси кۈшилганда, кўшимча билан сўз орасига в ундоши ортирилади. Масалан:

زону – тизза; زانوان зонувон – тиззалар.

#### Мягн

سلام آقا! حال شما چطور است؟ سلام خانم، متشکرم. اسم شما چیست؟ اسم من مهسا است. اهل کجا هستید؟ من اهل ایران هستم. مهسا پسر است یا دختر است؟ مهسا دختر است. اینجا کوچک است یا بزرگ است؟ اینجا کوچک است. من یک کیف دارم. شما دو دفتر دارید.

او سه خودكار دارد. ما ميز نداريم. شما كيف نداريد. او صندلى ندارد.  
من كيف دارم؟

### Савол ва топшириқлар

1. Эгалик қўшимчалари нима?
2. Ўзлик олмоши ҳақида тушунча беринг.
3. Кўрсатиш олмошлари ҳақида тушунча беринг.
4. Отнинг қўплиги қандай ҳосил қилинади?
5. Матни ўқинг, янги сўزلарни ёд олинг.

### 7-МАВЗУ ИЗОФА. ҚУМАКЧИЛАР

#### Режа:

1. Изофа.
2. Қўмакчилар.
3. *ро* қўмақчиси.

**Изофа** арабча сўз бўлиб, қўшиш, орттириш деган маънони билдиради. Икки отнинг бир-бирини ўзаро аниқлаб келишига изофа дейилади.

Форс тилида аниқланмиш билан аниқловчи ўргасидаги алоқа махсус бирикма – изофа йўли билан ифодаланади. Бунда сўз тартиби қуйидагича бўлади: биринчи ўринда аниқланмиш келиб, ундан кейин урғу олмаган морфологик кўрсаткич э қўшимчаси қўшилади, ундан кейин аниқловчи келади.

Форс тилида аниқланмиш – *музоф*, аниқловчи – *музофун элайх* деб номланади. Масалан: *забонэ форсий* – *форс тили* бирикмасидаги биринчи сўз *забон музоф* – аниқланмиш, иккинчи сўз *форсий* музофун элайх – аниқловчидир. Бу икки сўз биринчисининг охирига қўшилган э қўшимчаси орқали бир-бири билан боғланган.

Форс тилида гап ва сўз бирикмаларида сўз тартиби қатъийдир. Изофали бирикмаларда ҳам биринчи ўринда аниқланмиш, иккинчи ўринда аниқловчининг келиши шарт. Бу тартибнинг бузилиши бирикма мазмунининг бузилишига олиб келади. Ўзбек тилида эса аниқловчи биринчи ўринда, аниқланмиш иккинчи ўринда келади. Қиёсланг:

گل سرخ گўлә сўрх – қизил гул.

کتاب برادرم кэтобэ бэродарам – акамнинг китоби.

**Кўмакчилар (хўруфе эзофе).** Форс тилида келишик йўқ. Шундай бўл-гач, отлар келишиклар билан турланмайди. Гапда келишик муносабат-ларини ифодалаш учун кўмакчилардан фойдаланилади.

Форс тилида асл кўмакчилар қуйидагилар: **бэ, бар, бо, то, баройэ, дар, аз, жүз, ро, би.** Бу кўмакчиларнинг **ро** дан бошқаси сўзнинг олдига қўши-лади, **ро** эса сўзнинг охирига қўшилади. Булардан ташқари **қабл аз, пиш аз, баъд аз, пас аз** каби мураккаб кўмакчилар ҳам бор.

1. **به** бэ кўмакчиси ҳаракат йўналган нарсани ифодалаш учун қўллана-ди, яъни ўзбек тилидаги жўналиш келишиги маъносини ифодалайди, **бэ** от олдида келади ва бу от, асосан, қуйидаги маъноларни билдиради.

а) ҳаракат йўналган шахс ёки томон маъносини билдиради.

Масалан: **برادر بزرگم به سمرقند رفت** Бэродарэ бзўргам бэ Самарқанд рафт – Акам Самарқандга кетди.

б) восита маъносини билдиради. Масалан:

**این کتاب را ببنج صوم خریدیم** Ин кэтобро бэ панж сўм харидим – Бу китобни беш сўмга сотиб олдик.

2. **بر** бар кўмакчиси отларнинг олдига қўшилиб, бирор нарсанинг усти, сатҳи маъноларини билдиради.

Масалан: **راحم آوردن بر بدان ستم است بر نیکان** Раҳм овардан бар бадон ситам аст бар некон – Ёмонларга раҳм қилмоқ яхшиларга жавр қилмоқдир.

3. **با** бо кўмакчиси отларга қўшилиб, биргалик, ҳамкорлик, қурол, восита маъноларини билдиради. Масалан:

**کند همجنس با همجنس پرواز کبوتر با کبوتر باز با باز** Кунад ҳамжинс бо ҳамжинс парвоз, кабутар бо кабутар, боз бо боз – Ҳар нарса ўз ҳамжинси билан парвоз қилади, кабутар кабутар билан, лочин лочин билан.

4. **تا** то кўмакчиси отларнинг олдида келиб, ҳаракатнинг, вақтнинг охириги нуқтасини, чегарасини билдиради. Масалан:

**تا نروى نگوید** то нарави нагўяд – Бормагунингча айтмайди.

5. **برای** баройэ кўмакчиси ҳаракатнинг мақсадини, нарсанинг бирор шахсга аталганлик маъноларини билдиради:



این چراغ برای من نیست بلکه برای تو است **Ин чароғ баройэ ман нест, балке баройэ ту аст** – Бу чироғ мен учун эмас, балки сен учундир.

6. **در** дар кўмакчиси отларнинг олдида келиб, иш-ҳаракатнинг воқе бўлиш ўрнини билдиради. Масалан:

**دانشگاه در شمال شهر است** Донешгоҳ дар шимоли шаҳар аст – Институт шаҳарнинг шимолидадир.

7. **از** аз кўмакчиси от олдида келиб, ўзбек тилидаги чиқиш келишиги англатган қуйидаги маъноларни билдиради:

а) иш-ҳаракатнинг чиқиш ўрнини, бошланиш пайтини билдиради.

Масалан: **از بخоро تا تاشکند راه چند ساعت است؟** Тошканд роҳ чанд соат аст? – Бухородан Тошкентгача неча соатлик йўл?

б) нарсанинг нимадан қилинганлигини билдиради. Масалан:

**پی افکندهم از نامز کویه بولاند** – Назмдан баланд қаср ясадим.

в) чориштиришни билдиради:

**این کتاب از کتاب شما بزرگتر است** **بۇзۇرگтар аст** – Бу китоб сизнинг китобингиздан катгароқдир.

г) бирор нарсага эгалик маъносини билдиради. Масалан:

**این کیف از آن من است** **Ин киф аз онэ ман аст** – Бу сумка меникидир.

д) сабаб мазмунини билдиради:

**علفها از بی آبی خشک شدند** Алафҳо аз биоби хўшк шўданд – Ўтлар сувсизликдан қуриб қолдилар.

е) тўдадан бирини билдиради:

**محمد خان یکی از استادان است** **Муҳаммадхон йэки аз устодон аст** – Муҳаммадхон устозлардан биридир.

8. **жўз** истиснони билдиради. Масалан:

**امروز جز همایون همه آمدند** **Имрўз жўз Ҳумоюн ҳаме омаданд** – Бугун Ҳумоюндан бошқа ҳамма келди.

9. **ро** кўмакчиси ҳозирги замон форс тилида тушум келишигини ифодалаш учун қўлланилади. **Ро** кўмакчиси ўзбек тилидаги **-ни** қўшимчаси сингари ҳаракатни бевосита ўз устига олган нарсани – воситасиз объектни ифода этади. Масалан:

Men – من تورا فرموده کردم منتو را تو چرا پرموده کردی منتو را  
сенга манти қилишни буюрган эдим, сен нега манти ўрнига пармуда сомса  
қилдинг.

Булардан ташқари форс тилида би – *сиз*, қабл аз – *илгари*, пиш аз –  
*олдин*, баъд аз – *сунг*, пас аз – *кейин* каби кўмакчилардан ҳам фойдала-  
нилади.

### Матн

سلام خانم، حال شما خوب است؟

سلام استاد، متشكرم.

شما اهل کدام کشور هستید؟

من اهل آلمان هستم.

اهل کدام شهر؟

شهر بون.

خانواده ی شما اینجا زندگی می کنند؟

نه، آنها اینجا نیستند؛ در بون زندگی می کنند. فقط یک برادر دارم.

او دانشجو نیست؛ درس نمی خواند.

این کلاس چند نفر دانشجو دارد؟ چند نفر حاضر هستند؟

این کلاس هشت نفر دانشجو دارد. هفت نفر حاضر هستند.

درس شما خیلی خوب است. متشكرم. بفرمایید.

### Савол ва топшириқлар

1. Изофа қандай ясалади?
2. Кўмакчилар ҳақида гапиринг.
3. ро кўмакчиси иштирокида гаплар тузинг.
4. Матнни ўқинг, янги сўзларни ёд олинг.

**8-МАВЗУ**  
**ФЕЪЛ. ФЕЪЛ ЗАМОНЛАРИ. ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ.**  
**ЎТГАН ЗАМОН АНИҚ ФЕЪЛИ**

**Режа:**

1. Феълнинг масдари ва феъл замонлари.
2. Ўтган замон феъли.
3. Ўтган замон аниқ феъли.

**Феълнинг масдари** – ноаниқ шакли (инфинитив) бўлиб, “масдар” сўзи арабча, “бошланиш жойи” демакдир. Форсча феъллар луғатларда ҳар доим масдар шаклида берилади. Феълнинг бу шакли шахс, сон ва замонни билдирмагани учун ҳам феълнинг ноаниқ шакли, деб номланади. Форсча феълларнинг ноаниқ шакли ҳар доим **-дан** (унлилар ва жарангли ундошлардан сўнг), **-тан** (жарангсиз ундошлардан сўнг), **-идан** қўшимчалари билан тугалланган бўлади.

Масалан: خوردن **хўрдан** – емоқ, *ичмоқ*; آمدن **омадан** – келмоқ

Форс тилида ҳар бир феъл икки ўзакка эга бўлади: феълнинг ўтган замон ўзаги, ҳозирги замон ўзаги.

Феълнинг ўтган замон ўзагини ажратиш оддий йўл билан, яъни феълнинг масдар шаклидан **-ан** қисмини тушириб қолдириш билан ҳосил қилинади. Масалан: ديدن **дидан** – кўрмоқ – دید **дид**; رفتن **рафтан** – бормоқ رفت **рафт**.

Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, феълнинг ўтган замон ўзаги ҳар доим **д** ёки **т** товуши билан тугалланган бўлади.

**Феъл замони** шу феълдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг нутқ пайтига бўлган муносабатини ифодалайди. Бу муносабатнинг ҳар хил бўлишига кўра феълларда уч замон мавжуддир: ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон.

**Ўтган замон феъли** нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари бўлган иш-ҳаракатни, ҳозирги замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтда бўлаётган иш-ҳаракатни, келаси замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бўладиган иш-ҳаракатни билдиради.

Форс тилида феъл уч замонга бўлинади:

1. Фэълэ мози – ўтган замон феъли;
2. Ҳол ёки фэълэ мўзорэ – ҳозирги замон феъли;
3. Фэълэ мўстақбал ёки фэълэ ояндэ – келаси замон феъли.

Феъллардаги бу уч замон дастлабки йирик вақт чегарасидир. Ҳар бир замон феъллари ўз ичида вақт айримликларига кўра яна бир неча қисмларга бўлинадилар.

**Ўтган замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари бўлганлигини билдиради ва маънодаги фарқларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) Мозийэ мутлақ – ўтган амон аниқ феъли;
- 2) Мозийэ эстэмрорий – ўтган замон давом феъли;
- 3) Мозийэ нақли – ўтган замон ҳикоя феъли;
- 4) Мозийэ байд – узоқ ўтган замон феъли.

**Ўтган замон аниқ феъли** иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлиб ўтганлигини қатъий тусда ифодалайди. Шунга кўра, бу феъл тугаллик маъносини билдиради. Ўтган замон аниқ феъли феълнинг ўтган замон ўзагига шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ясалади.

Шахс-сон қўшимчалари қуйидагилар:

шахс	Бирлик	Кўплик
I	-ам ام	-им يم
II	-и يى	-ид يد
III	-	-анд اند

Ўтган замон аниқ феълнинг ясалишига мисол (дидан – кўрмоқ):

шахс	Бирлик	Кўплик
I	дидам – кўрдим ديدم	дидим – кўрдик ديديم
II	диди – кўрдинг ديدى	дидид – кўрдингиз ديديد
III	дид – кўрди ديد	диданд – кўрдилар ديدند

### Матн

ديروز سه كيلو سيب زميني از سبزی فروشی خریدم. پريروز صبح  
 [صب] ساعت يازده كجا بوديد [بودين]؟ آنها ديشب ساعت نه بن خانه من  
 آمدند. تو روی اين صندلی نشستى، ولى دوستت آنجا نشست. چرا دير  
 آمدید؟ [ببخشيد فقط پنج دقيقه دير اومدم]

### Савол ва топшириқлар

1. Масдарлар ҳақида нима биласиз?
2. Форс ва Ўзбек тилларида феъл ва феъл замонларининг фарқи борми?
3. Ўтган замон феълини ўрганилган қоидалар асосида изоҳланг.
4. Ўтган замон аниқ феъли ҳақида гапиринг.
5. Матнни ўқинг, янги сўзларни ёд олинг.

### 9-МАВЗУ

#### ЎТГАН ЗАМОН ДАВОМ ФЕЪЛИ. ЎТГАН ЗАМОН ҲИКОЯ ФЕЪЛИ

##### Режа:

1. Ўтган замон давом феъли.
2. Ўтган замон ҳикоя феъли.

Ўтган замон давом феъли (мозийэ эстэмрорий) – иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бир неча марта бўлганлигини, такрорланганлигини билдиради.

Ўтган замон давом феъли феълнинг ўтган замон ўзаги олдида **می** -ми қўшимчасини, ўзақ охирига шахс-сон қўшимчасини қўшиш билан, яъни ўтган замон аниқ феъли олдида **می** -ми қўшимчасини қўшиш билан ясалади.

Ўтган замон давом феълида урғу икки ўринга – бири -ми олд қўшимчасига, иккинчиси шахс-сон қўшимчасига тушади. Масалан, **дидан** – **кўрмоқ** феълининг тусланиши қуйидагича:

шахс	бирлик	кўплик
I	<b>مید یدم</b> Мидидам – кўрар эдим	<b>میدیدیم</b> Мидидим – кўрар эдик
II	<b>میدیدی</b> Мидиди – кўрар эдинг	<b>میدیدید</b> Мидидид – кўрар эдингиз
III	<b>میدید</b> Мидид – кўрар эди	<b>میدیدند</b> Мидиданд – кўрар эдилар

Ўтган замон давом феълининг бўлишсиз шакли феъл олдида **نه** на-инкор юкласини қўшиш орқали ясалади. Бунда асосий кучли урғу инкор

юкламасига, иккинчи даражали кучсизроқ урғу эса шахс-сон қўшимчасига тушади. Масалан:

шахс	бирлик	Кўплик
I	نامیراфта <span style="font-size: small;">م</span> намирафтам – бормас эдим	نامیراфт <span style="font-size: small;">م</span> намирафтим – бормас эдик
II	نامیراф <span style="font-size: small;">ت</span> намирафти – бормас эдинг	نامیراфт <span style="font-size: small;">د</span> намирафтид – бормас эдингиз
III	نامیراфт <span style="font-size: small;">م</span> намирафт – бормас эди	نامیراфт <span style="font-size: small;">م</span> намирафтанд – бормас эдилар

Ўтган замон ҳикоя феъли (мозийэ нақли) иш-ҳаракатнинг бўлиб ўтганлигини аниқ билдириши ўтган замон аниқ феълига ўхшайди, лекин баъзи хусусиятларига кўра ундан фарқ қилади.

Ўтган замон аниқ феълида иш-ҳаракатнинг бўлиб ўтганлиги қайд қилинади, холос. Ўтган замон ҳикоя феъли иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлиб ўтганлигини эмас, балки унинг натижасини билдиради.

Масалан: نوشتم нэвэштам – *эдим*: نوشته ام нэвэштэам – *эганман*, *эзиб эдим*.

Ўтган замон ҳикоя феъли ўтган замон сифатдоши охирига است аст ва унинг тусланган шаклларини қўшиш орқали ясалади. Масалан:

گفتان гўфтан – *гапирмоқ, айтмоқ* феълидан.

шахс	бирлик	кўплик
I	گفته ام гўфтэам – айтганман	گفته ایم гўфтэим – айтганмиз
II	گفته ای гўфтэи – айтгансан	گفته اید гўфтэид – айтгансиз
III	گفته است гўфтэаст – айтгандир	گفته اند гўфтэанд – айтгандирлар

Ўтган замон ҳикоя феълнинг бўлишсизи, одатдагидек, бўлишли шаклининг олдига نه на- инкор юкламасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Бунда сифатдош қўшимчаси устидаги урғу инкор юкламасига кўчади.

Масалан:

шахс	бирлик	кўплик
I	نارافت <span style="font-size: small;">م</span> нарафтэам – бормаганман	نارافت <span style="font-size: small;">م</span> нарафтэим – бормаганмиз

II	نارافت‌ئەي – бормагансан	نارافت‌ئەيد – бормагансиз
III	نارافت‌ئەاست – бормагандир	نارافت‌ئەاند – бормагандирлар

### Савол ва топшириқлар

1. Ўтган замон ҳикоя феъли қандай ясалади?
2. Ўтган замон ҳикоя феълига мисоллар келтиринг.
3. Ўтган замон ҳикоя феълининг бўлишсизи ҳақида гапиринг.

### 10-МАВЗУ

### ФЕЪЛНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗАГИ

#### Режа:

1. Феълнинг ҳозирги замон ўзаги.
2. Ҳозирги-келаси замон феъли.
3. Ҳозирги-келаси замон феълининг ясалиши.

Форс тилидаги феъллар уларнинг ҳозирги замон ўзаклари қайси йул билан ажралишига кўра уч турга ажратилади:

1. том феъллар.
2. қиёсий феъллар.
3. сэмой феъллар.

Том феълларнинг ҳозирги замон ўзаги масдардан **-дан, -тан, -идан** қўшимчаларини олиб ташлаш орқали ҳосил қилинади. Масалан:

خوردن хўрдан – емоқ: خور хўр.

پرسیدن пўрсидан – сўрамоқ: پرس пўрс.

Қиёсий феълларнинг ҳозирги замон ўзаги масдар қўшимчаси тушириб қолдирилгандан сўнг, яна баъзи фонетик ўзгаришлар билан ҳосил қилинади. Бундай феъллардан ҳозирги замон ўзакларининг олиниш қоидаси қуйидагича:

а) **-хтан** билан тугаган бир қанча қиёсий феъллардан масдар қўшимчаси тушириб қолдирилгач, ўзак охиридаги **х** товуши **з** га алмашинади. Масалан:

омухтан – ўрганмоқ, ўргатмоқ: آموز омуз.

сухтан – куймоқ: سوز суз.

Эслатма. -хтан билан тугаган қуйидаги феъллар бундан мустаснодир:

شناختن шэнохтан – танимоқ: شناس шэнос

فروختن фўрухтан – сотмоқ: فروش фўруш

б) -штан билан тугаган қиёсий феъллардан -тан қўшимчасини тушириб қолдиргач, ўзак охиридаги ш товуши р га алмашади. Масалан:

داشتن доштан – эга бўлмоқ: دار дор

برداشتن бардоштан – кўтармоқ: بردار бардор

Эслатма: -штан билан тугалланган қуйидаги феъллар бундан мустаснодир:

نوشتن навештан – ёзмоқ: نویس навис.

گشتن гаштан – айланмоқ: گرد гард.

هشتن ҳаштан – қўймоқ: هل ҳэл.

ريستن риштан – йигирмоқ: ريس рис.

в) -удан билан тугалланган қиёсий феъллардан -дан қўшимчаси тушириб қолдирилгач, ўзак охиридаги у товуши о га алмашади. Масалан:

فرمودن фармудан – буюрмоқ: فرما، فرماي фармо, фармой.

نمودن намудан – кўрсатмоқ: نما، نماي намо, намой.

Эслатма: -удан билан тугалланган қуйидаги феъллар бундан мустаснодир:

بودن будан – эмоқ, бўлмоқ: باش бош.

دوردن дўрудан – ўрмоқ: دورو дэрүү.

شوندن шэнудан – эшитмоқ: شنو шэиүү.

г) -фтан билан тугаган соф бўлмаган феъллардан -тан қўшимчасини тушириб қолдиргач, ўзак охиридаги ф товуши б га алмашади. Масалан:

يافتن йофтан – топмоқ: ياب йоб.

شنافتن шэтофтан – шошилмоқ: شتاب шэтоб.

Эслатма: -фтан билан тугалланган қуйидаги феъллар бундан мустаснодир:

پذيرفتن пазирўфтан – қабул қилмоқ: پذير пазир.



باقتن бофтан – тўқимоқ: **باف** боф.

گفتن гуфтан – гапирмоқ: **گو** гу.

رفتن рафтан – бормоқ: **رو** рав.

گرفتن гэрэфтан – олмоқ: **گر** гир.

Куйидаги тўрт феълнинг охиридан -одан қисми тушириб қолдирилгандан сўнг, қолган қисми шу феълнинг ҳозирги замон ўзагидир:

استادن истодан – турмоқ: **است** ист.

نهادن нэходан – қўймоқ: **نه** нэх.

Сэмий феъллардан ҳозирги замон ўзақларини ажратишда маълум бир қондага амал қилинмайди. Бундай феъллар ҳозирги форс тилида саноқли бўлиб, буларни фақат ёдда сақлаш керак.

**Ҳозирги-келаси замон феъли (ҳол).** Форс тилида ҳозирги-келаси замон феълнинг қўлланиш доираси ўзбек тилидаги сингари анча кенг. У ҳозирги бўлиб турган иш-ҳаракатни, ҳозирда тугалланмаган, келажакда давом этиши мумкин бўлган ҳаракатни ҳамда умумзамон маъноларини билдиради. Масалан:

**ما علم را ميطلبيم** Мо илмо миталабим – Биз илм излаймиз.

Ҳозирги-келаси замон феълнинг ясалиши. Ҳозирги-келаси замон феъли феълнинг ҳозирги замон ўзаги олдига **می**-ми қўшимчаси, охирига эса шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинади.

Масалан: رفتن рафтан – бормоқ феълдан

шахс	бирлик	кўплик
I	ميروم миравам – бораман	ميرويم миравим – борамиз
II	ميروي мирави – борасан	ميرويد миравид – борасиз
III	ميرود миравад – боради	ميروند мираванд – борадилар

Ҳозирги-келаси замон феълнинг бўлишсиз шакли феъл олдига на- инкор юқламасини қўшиш билан ҳосил қилинади.

Масалан:

шахс	бирлик	кўплик
I	намиравам – бормайман	намиравим – бормаймиз
II	намирави – бормайсан	намиравид – бормайсиз
III	намиравад – бормайди	намираванд – бормайдилар

### Матн

Шеҳр Һедан ке اولین پایتخت ایران در دو هزار و هفتصد سال قبل بود و 336 کیلومتر با تهران فاصله دارد.

آثار تاریخی و جاهای دیدنی Һедان معروفند. این آثار، تاریخ ایران در گذشته های دور و نزدیک را نشان می دهند. گنج نامه، محلی نزدیک Һедان، دو کتیبه ی تاریخی دارد. آرامگاه ابن سینا که از دانشمندان بزرگ است، همچنین آرامگاه باباطاهر که شاعر معروفی است، در مرکز شهر واقعند. غار علی صدر، بزرگ ترین غار آبی جهان، در فاصله ی هفتاد و پنج کیلومتری این شهر است.

از جاهای دیدنی دیگر، محلی به نام لاله جین است که حدود سی کیلومتر با Һедان فاصله دارد.

### Савол ва тошшириқлар

1. Ҳозирги-келаси замон феъли ва ўтган замон феълнинг ўзаро боғлиқлиги нималарда акс этади?
2. Ҳозирги-келаси замон феълнинг ясалишини айтинг.
3. Ҳозирги-келаси замон феълнинг бўлишсиз шакли қандай ясалади?
4. Матнни ўқинг, янги сўзларни ёд олинг.

## 11-МАВЗУ СИФАТДОШ

**Режа:**

1. Сифатдош.
2. Ўтган замон сифатдоши.
3. Ҳозирги замон сифатдоши.

**Сифатдош** феълнинг ҳам сифатлик, ҳам феъллик белгиларига эга бўлган шаклидир. Сифатдошнинг феъллик хусусиятлари унинг замон тушунчасини ифодалаши, феъл каби нисбатга эга бўлиши, бўлишли ва бўлишсиз шаклларга, ниҳоят, феъллар каби бошқариш хусусиятига эга бўлишидадир.

Сифатдошнинг сифатлик белгиси эса сифат каби нарсанинг белгисини билдириб, гапда аниқловчи вазифасини бажаришидир.

Форс тилида ўтган замон сифатдоши феълнинг ўтган замон ўзагига **о, э** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади. Сифатдошнинг бу шакли ўзбек тилидаги сифатдошнинг **ган** шаклига мос келади.

феълнинг ноаниқ шакли	мазмуни	феълнинг ўтган замон ўзаги	ўтган замон сифатдоши
ديدن دیدан	кўрмоқ	دید دید	دیده دیدэ
گفتن گўфтан	гапирмоқ	گفت گўфт	گفته گўфтэ

Форс тилида ўтган замон сифатдоши мустақил ҳолда ва қўшма феълларнинг таркибий қисми сифатида қўлланилади.

Ўтган замон сифатдоши гапда:

а) сифат сингари аниқловчи вазифасини бажаради. Масалан:

سولە گۇزاشتە مان аз Андижон  
**مەداм** – Ўтган йили мен Андижондан келдим.

б) отлашган вақтда отлар вазифасини бажаради. Масалан:

دەر گۇزاشتە مردومون бо  
**хатти** араби нэвиштанг – Ўтмишда одамлар арабча хатда ёзар эдилар.

Форс тилида ўтган замон сифатдоши изофали бирикмада аниқловчи бўлиб келишидан ташқари, аниқланмиш вазифасини ҳам ўтайди ва кўмакчилар билан бирга келиб, эгалик қўшимчаларини қабул қилиши мумкин. Масалан:

از گفته اش خوشحال شديم  
 аз гўфтэаш хушҳол шудем – Унинг айтган гапидан хурсанд бўлдик.

Ҳозирги замон сифатдоши куйидаги йўллар билан ясалади:

а) феълнинг ҳозирги замон ўзагига **-андэ** қўшимчасини қўшиш билан:

феълнинг ноаниқ шакли	мазмуни	феълнинг ҳозирги замон ўзаги	ҳозирги замон сифатдоши
نوېشتن навэштан	ёзмоқ	نوېس навэс	نوېسنده нависандэ
خواندن хондан	ўқимоқ	خوان хон	خواننده хонандэ

Сифатдошнинг бу шакли ўзининг грамматик хусусиятлари билан отларга ўхшаш бўлиб, ўзбек тилига сифатдошнинг **-вчи** шакли орқали таржима қилинади. Масалан:

دوزنده – *тикувчи*.

نوېسنده – *ёзувчи*.

б) феълнинг ҳозирги замон ўзагига **он** қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Сифатдош ясовчи бу қўшимча саноқли феъллардангина сифатдош ясайди.

феълнинг ноаниқ шакли	мазмуни	феълнинг ҳозирги замон ўзаги	ҳозирги замон сифатдоши
رفتن рафтан	бормоқ	رو рав	روان равон
پرسیدن пўрсидан	сўрамоқ	پرس пўрс	پرسان пўрсон

Сифатдошнинг бу шакли гапда равиш ҳоли вазифасини бажаради.

в) феълнинг ҳозирги замон ўзагига **о** қўшимчасини қўшиш билан ясалади.

феълнинг ноаниқ шакли	мазмуни	феълнинг ҳозирги замон ўзаги	ҳозирги замон сифатдоши
ديدن дидан	кўрмоқ	بين бин	بينا бино
دانستن донистан	билмоқ	دان дон	دانا доно

Сифатдошнинг бу шакли кўплик қўшимчасини қабул қилади ва гапда отлар бажарган грамматик вазифани бажаради.

## Матн

### تهران

تهران در جنوب کوههای البرز و نزدیک قله ی دماوند واقع است. دماوند، بلند ترین قله ی کوه های البرز و بلند ترین قله ی ایران، 5671 متر ارتفاع دارد. تهران که از دویست سال قبل پایتخت ایران است شهر کوچکی در شمال شهر بزرگ و تاریخی ری بود و امروزی، شهر کوچکی در جنوب تهران است. مساحت تهران به 740 کیلومتر مربع می رسد و جمعیت آن بیش از هفت میلیون نفر است که اغلب از شهرهای مختلف ایران در یکصد سال گذشته به این شهر مهاجرت کرده اند. تهران امروز شهر بزرگی است که در آن ساختمان ها و برج های بلند، بزرگراه ها، هتل ها، رستوران ها، موزه ها، دانشگاه ها، مترو و بسیاری نقاط دیدنی دیگر وجود دارد.

### Савол ва топшириқлар

1. Ўтган замон сифатдоши ва ҳозирги замон сифатдошининг ўзаро боғлиқлиги нималарда акс этади?
2. Ўтган замон сифатдоши қандай ясалади?
3. Ҳозирги замон сифатдошининг яшалишини айтинг.
4. Матни уқинг, янги сўزلарни ёд олинг.

### 12-МАВЗУ

### ФЕЪЛНИНГ ОРЗУ-ИСТАК МАЙЛИ

#### Режа:

1. Феълнинг орзу-истак майли.
2. Феъл орзу-истак майлининг қўлланилиш ўринлари.

Феълнинг орзу-истак майли (музорезъэ элтэзомэ) гумон, мумкинлик, зарурият, мақсад, орзу-истак, бажарилиши лозим булган ҳаракат маъноларини билдиради.

Феълнинг орзу-истак майли замон ўзаги олдига **به** бэ- олдқўшимчаси, охирига шахс қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади.

Масалан:

шахс	бирлик	кўплик
I	بروم бэравам – борсам	برويم бэравим – борсак
II	بروي бэрави – борсанг	برويد бэравид – борсангиз
III	برود бэравад – борса	بروند бэраванд – борсалар

Ҳозирги-келаси замон феъли орзу-истак майлининг бўлишсиз феъл олдига **на-** инкор юкласини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Бунда бэ- тушиб қолади.

Масалан:

шахс	бирлик	кўплик
I	نروم наравам – бормасам	نرويم наравим – бормасак
II	نروي нарави – бормасанг	نرويد наравид – бормасангиз
III	نرود наравад – бормаса	نروند нараванд – бормасалар

Унли товуш билан бошланган ҳозирги замон феъли ўзагидан феълнинг орзу-истак шакли ясалганда, **نه** на- кўмакчаси ёки **به** бэ- инкор юкласи билан феъл ўзаги орасида **ى** й ундоши орттирилади. Масалан:

**بيام** бэйойам – келсам.

**بيايى** бэйойи – келсанг.

**نيام** найойам – келмасам.

**نيايى** найойи – келмасанг.

Ҳозирги-келаси замон феълнинг орзу-истак майли қуйидаги ўринларда қўлланади:

а) мақсад эргаш гапларда:

پادشاهی دانشمندیرا خواست و گفت میخوام تورا قاضی این شهر بکنم  
Подшоҳи донэшмандиро хост ва гуфт: “михоҳам тӯро қозийэ ин шаҳр  
бэқўнам” – Бир подшоҳ бир донишмандни чақирди ва деди: “Мен сени  
шу шаҳарнинг қозиси қилмоқчиман”.

б) агар, то каби ёрдамчи сўзлар билан бошланган шарт эргаш гапларда:

تا نخوانی نمیدانی То нахонэ намидони – Ўқимагунингча,  
билмайсан.

в) тўлдирувчи эргаш гапларда خواستن хостаин – хоҳламоқ, توانستن  
тавонистон – қила олмоқ феълларидан сўнг:

من میتوانم این پاسخرا بشما بگویم Ман митовонам ин посухро  
бэшўмо бэгуям – Мен бу жавобни сизга айтаоламан.

г) бояд – керак, лозэм – лозим каби заруриятни билдирган сўзлардан  
сўнг келиб, келажақда бажарилиши лозим бўлган ҳаракатни билдиради.

لازم است که او بما یاری بدهد Лозэм аст кэ ў бэ мо ёри бэдэхад – У  
бизга ёрдам бериши лозим.

#### Савол ва топшириқлар

1. Феълнинг орзу-истак майли нима?
2. Феълнинг орзу-истак майлининг ясалишини айтинг.
3. Феълнинг орзу-истак майли феъли қайси ўринларда қўлланади?

#### 13-МАВЗУ

#### УЗОҚ ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ. ФЕЪЛНИНГ ГУМОН ШАКЛИ

##### Режа:

1. Узоқ ўтган замон феъли.
2. Узоқ ўтган замон феълнинг ясалиши.
3. Феълнинг гумон шакли.

Узоқ ўтган замон феъли (мозийэ банд) иш-ҳаракатнинг бирор бошқа  
ҳаракатдан олдин бўлиб ўтганини ёки ҳозир натижаси номаълум бўлган  
иш-ҳаракатни билдиради:

دانشیار ما ساله گوزشته این حکایه را گفته بود Донэшиёрэ мо солэ гузаштэ ин ҳикояро гуфтэ буд – Бизнинг ўқитувчимиз ўтган йили бу ҳикояни айтган эди.

Узоқ ўтган замон феълининг ясалиши. Узоқ ўтган замон феъли ўтган замон сифатдошига **بودن** будан (эмоқ, бўлмоқ) кўмакчи феълининг аниқ ўтган замонда тусланган шаклини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Масалан, **رفتن** рафтан – бормоқ феълидан:

шаҳс	бирлик	кўплик
I	рафтэ будам – борган эдим	рафтэ будим -- борган эдик
II	рафтэ буди – борган эдинг	рафтэ будид – борган эдингиз
III	рафтэ буд – борган эди	рафтэ буданд – борган эдилар

Феълнинг гумон шакли (мозийэ элтэзоми) бўлиб ўтган иш-ҳаракатнинг натижасига нисбатан гумон, эҳтимоллик, фараз қилиш маъноларини билдиради. Масалан:

شاید شما نشناخته باشید Шояд шўмо нашўнохтэ бошед – Эҳтимол, сиз танимаган бўлсангиз керак.

Феълнинг гумон шакли таркибли бўлиб, унинг биринчи қисми ўтган замон сифатдошидан, иккинчи қисми **بودن** будан (эмоқ, бўлмоқ) феълидан ясалган орзу-истак майлидан иборат бўлади. Лекин будан феълидан ясалган орзу-истак шакли бэ-қўшимчасини олмайди.

Масалан, **رفتن** рафтан – бормоқ феълидан:

шаҳс	бирлик	кўплик
I	рафтэ бошам – борган бўлсам	рафтэ бошим – борган бўлсак
II	рафтэ боши – борган бўлсанг	рафтэ бошид – борган бўлсангиз
III	рафтэ бошад – борган бўлса	рафтэ бошанд – борган бўлсалар

Феъл гумон шаклининг бўлишсизи сифатдош қисми олдиға на- инкор юкламасини қўйиш орқали ҳосил қилинади. Масалан, **نرفته باشم** нарафтэ бошам – бормаган бўлсам ва ҳоказо.

### Савол ва топшириқлар

1. Узоқ ўтган замон феъли қандай ясалади?
2. Феълнинг гумон шакли ҳақида гапиринг.



## 14-МАВЗУ КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

**Режа:**

1. Келаси замон феъли.
2. Келаси замон феълининг бўлишсизи.

Келаси замон феъли (фэълэ мустақбал) иш-ҳаракатнинг келажакда аниқ бўлишлигини билдиради.

**ما روز يکشنبه بگوه خواهيم رفت** **Мо рузэ якшанбэ бэ кўҳ хоҳим рафт** – Биз якшанба куни тоққа борамиз.

Келаси замон феъли таркибли бўлиб, икки қисмдан иборатдир. Унинг биринчи – кўмакчи қисми **خواستن** **хостан** – *хоҳламоқ* феъли ҳозирги-келаси замон шаклининг **می** **ми**- кўшимчасини олмаган қисмидан, иккинчи қисми етакчи феълнинг ўтган замон ўзагидан иборат бўлади. Урғу ҳар икки қисмнинг сўнгги бўғинига тушади.

Масалан, **رفتن** **рафтан** – *бормоқ* феълидан:

шахс	бирлик	кўплик
I	<b>خواهم رفت</b> хоҳам рафт – боргайман	<b>خواهيم رفت</b> хоҳим рафт – боргаймиз
II	<b>خواهي رفت</b> хоҳи рафт – боргайсан	<b>خواهيد رفت</b> хоҳид рафт – боргайсиз
III	<b>خواهد رفت</b> хоҳад рафт – боргай	<b>خواهند رفت</b> хоҳанд рафт – боргайлар

Келаси замон феълнинг бўлишсизи “хостан” кўмакчи феълнинг олдида **نه** **на**- инкор юкласини қўшиш билан ясалади. Бунда урғу инкор юкласига тушади. Масалан, **نخواهم رفت** **нахоҳам рафт** – *бормагайман* ва ҳоказо.

Кўшма феълларда келаси замон аниқ феълнинг кўмакчи қисми феълнинг от қисми билан ўтган замон ўзаги орасига қўйилади. Масалан:

шахс	бирлик	кўплик
I	حرف خواهم زد Ҳарф ҳоҳам зад – гапиргайман	حرف خواهیم زد Ҳарф хоҳим зад – гапиргаймиз
II	حرف خواهی زد Ҳарф хоҳи зад – гапиргайсан	حرف خواهید زد Ҳарф хоҳид зад – гапиргайсиз
III	حرف خواهد زد Ҳарф хоҳад зад – гапиргай	حرف خواهند زد Ҳарф хоҳанд зад – гапиргайлар

Бу феълнинг бўлишсиз шакли келаси замон аниқ феъли ясовчи кўмакчи феъли олдига на- инкор юкласини қўшиш орқали ясалади.

Масалан, **حرف نخواهم زد Ҳарф нахоҳам зад – гапирмагайман** ва ҳоказо.

### Матн

#### خیابان

خوابگاه پسران در شمال خیابان کارگر است. این خیابان در جنوب به میدان انقلاب می رسد و دانشگاه تهران نزدیک این میدان است. خوابگاه از دانشگاه کمی دور است و محمد با اتوبوس به دانشگاه می رود. او گاهی دوست دارد از خوابگاه پیاده به دانشگاه برود تا فروشگاه ها، مغازه ها و رفت و آمد مردم را در خیابان ها و چهارراه ها ببیند. مردم تهران برای رفت و آمد در شهر سوار اتومبیل، اتوبوس، مترو، تاکسی و مینوبوس می شوند. خیابان های این شهر با ترتیبند.

#### Савол ва топшириқлар

1. Келаси замон феъли қандай ясалади?
2. Келаси замон феълнинг бўлишсизи ҳақида гапиринг.
3. Матнни ўқинг, янги сўزلарни ёд олинг.

**15-МАВЗУ**  
**ФЕЪЛНИНГ БУЙРУҚ МАЙЛИ.**  
**ФЕЪЛНИНГ МАЖҲУЛ НИСБАТИ**

Режа:

1. Феълнинг буйруқ майли.
2. Феълнинг мажҳул нисбати.
3. Феълнинг орттирма нисбати.

Форс тилида буйруқ феъли (важҳэ амри) буюриш, таклиф, чақирик маъноларини билдиради.

Феълнинг буйруқ майли феълнинг ҳозирги замон ўзаги олдига бэ-қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Буйруқ, асосан, иккинчи шахсга қаратилган бўлади. Буйруқ феълнинг бошқа шахс шакллари эса орзу-истак маъноларини беради.

Буйруқ феълнинг ясалиши қуйидагича:

феълнинг ноаниқ шакли	маъноси	ҳозирги замон ўзаги	буйруқ феъли	
			II шахс бирлик	II шахс кўплик
خواندن хондан	ўқимоқ	خوان хон	بخوان бихон	بخوانيد бихонед
ديدن дидан	кўрмоқ	بين бин	بيين бибин	بيينيد бибинед
گرفتن гирифтан	олмоқ	گير гир	بگير бигир	بگيريد бигиред
رفتن рафтан	бормоқ, кетмоқ	رو рав	برو бирав	برويد биравед

Феълнинг ҳозирги замон ўзагига бэ-қўшимчасининг қўшилиши буйруқ маъносини кучайтиради. Қиёсланг:

تمام کن тамом кўн: تمام بکن тамом бэқўн – тамом қил.

تمام کنيد тамом кўнэд: تمام بکنيد тамом бэқўнэд – тамом қилинг.

Масалан: تو اين کتابرا البته بخوان Ту ин китобро албаттэ бэxon – Сен бу китобни албатта ўқи.

Буйруқ феълнинг бўлишсизи феълнинг ҳозирги замон ўзаги олдига **ме на-** ёки **مه ما-** инкор юкламаларини қўшиш билан ясалади. Бунда феълнинг буйруқ шаклини ясовчи **به** бэ- тушиб қолади. Масалан:

**نکن** нақун: **مكن** мақўн – қилма.

**نگو** нагў: **مگو** магў – гапирма.

**آبرا اسراف مكن** Обро исроф мақўн – Сувни исроф қилма.

Феълнинг мажҳул нисбати (фэълэ мажҳул) форс тилида эгадан англашилган шахс ёки нарса ҳаракатнинг бажарувчиси эмас, балки бошқанинг ҳаракатини ўзига қабул қилувчи объект эканлигини кўрсатади. Бу аниқ нисбатнинг акси бўлиб, гапнинг пассив конструкциясини ҳосил қилади. Мисол:

**بود اين كتاب دو سال پيش نويشته شده بود** Ин кэтоб дў сол пэш навэштэ шўдэ буд – Бу китоб икки йил илгари ёзилган эди.

Феълнинг мажҳул нисбати тузилишига кўра таркибли феъл бўлиб, унинг биринчи – етакчи қисми ўтган замон сифатдошидан, иккинчи – кўмакчи қисми **شدن** шўдан – бўлмоқ феълидан иборат.

Мажҳул феъл таркибидаги ўтган замон сифатдоши ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди, **шўдан** – бўлмоқ кўмакчи феъли эса тегишли замон ва шахс қўшимчаларини олиб, ўзгаради.

Мажҳул феълнинг бўлишсизи **шўдан** феъли олдига **на-** инкор юкламасини қўшиш билан ясалади.

Мажҳул нисбат ўтимли феъллардан ясалади, лекин у ўтимли феълларнинг ҳаммасидан ҳам ясалавермайди.

Қўшма феълларнинг мажҳул нисбати лексик усул билан ифодаланади. Бунда қўшма феълнинг кўмакчи қисми мажҳул маъно ифодаловчи бошқа феъл билан алмашади. Масалан:

**تصديق كردن** тасдиқ кардан – тасдиқламоқ.

**تصديق شدن** тасдиқ шўдан – тасдиқланмоқ.

**تامين كردن** таъмин кардан – таъминламоқ.

**تامين شدن** таъмин шўдан – таъминланмоқ.

Феълнинг орттирма нисбати (фэълэ эжбори). Форс тилида феълнинг орттирма нисбати иш-ҳаракатни бошқа шахсга бажартириш, бажаришга мажбур қилиш каби маъноларни ифодалайди.

Феълнинг орттирма нисбати ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъллардан ясалади. Ўтимсиз феъллардан ясалган феъл ўтимлашади, ўтимли феъллардан ясалганда эса яна ўтимли феъл ҳосил бўлади.

Форс тилида феълнинг орттирма нисбати феълнинг ҳозирги замон ўзагига **ائىدىن، -اندن، -ондан، -онидан** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади. Масалан:

**رسيدن** расидан – етмоқ. **رساتدن** расондан – етказмоқ.

**دويدن** давидан – югурмоқ. **دوانيدن** давонидан – югуртирмоқ.

**معلمان موى سفيدهارا از راه گونرايندند** Муаллимон мўйи сефедҳоро аз роҳ гўзарониданд – Муаллимлар кексаларни йўлдан ўткиздириб қўйдилар.

### Савол ва топшириқлар

1. Феълнинг буйруқ майли қандай ясалади?
2. Феълнинг мажҳул нисбати қандай маъноларни ифодалайди?
3. Феълнинг орттирма нисбати ҳақида гапиринг.

### 16-МАВЗУ

### СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ. СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

#### Режа:

1. Сифат даражалари.
2. Сифатларнинг ясалиши.

Форс тилида қуйидаги сифат даражалари мавжуд: сэфатэ мўтлақ – оддий даража; сэфатэ тафзили – қиёсий даража; сэфатэ олий – орттирма даража.

1. Сифатларнинг оддий даражаси нарсанинг белгисини бошқа нарсага нисбат берилмаган ҳолда, тўғридан-тўғри кўрсатади. Масалан:

**سفيد** сефед – оқ.

**كوجک** кўчек – кичик.

2. Сифатларнинг қиёсий даражаси нарсадаги бир хил белгининг бошқа бирор нарсадаги белгидан ортиқ ёки камлигини, фарқли

эканлигини билдиради. Форс тилида сифатнинг қиёсий даражаси оддий даражадаги сифатларга **-тар** қўшимчасини қўшиш билан ясалади:

**سفید** сефед – оқ. **سفیدتر** сефедтар – оқроқ.

**کوچک** кўчек – кичик. **کوچکتر** кўчектар – кичикроқ.

3. Сифатнинг **ортгирма даражаси** нарсанинг белгисини бошқа шу турдаги нарсанинг белгисига нисбатан ўта ортиқ ёки камлигини билдиради. Форс тилида сифатнинг ортгирма даражаси оддий даражадаги сифатга **-тарин** қўшимчасини қўшиш билан ясалади:

**سفیدترین** сефедтарин – энг оқ, оппоқ.

**کوچکترین** кўчектарин – энг кичик.

Сифатларнинг **ясалиши**. Форс тилида ҳам ўзбек тилидаги сингари **بلند** бўланд – баланд, **سرخ** сўрх – қизил каби туб сифатлар билан бир қаторда, ясама сифатлар ҳам бор.

Форс тилида сифат ясовчи қўшимчаларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. **مند** (-манд), **ناک** (-нок) қўшимчалари ўзақда ифода этилган нарсага ёки хусусиятга эгалликни билдирувчи сифатлар ясаydi:

**خرد** хэрад – ақл: **خردمند** хэрадманд – ақлли.

**هنر** хўнар – хунар: **هنرمند** хўнарманд – хунарманд.

**غام** ғам – гам: **غمناک** ғамнок – гамгин.

2. **ين** (-ин), **ينه** (-инэ) қўшимчалари ёрдами билан ясалган сифатлар ўзақда ифода этилган нарсадан ясалганлик, ҳамжинслик маъноларини билдиради:

**زر** зар – олтин: **زرين** заррин – олтиндан ишланган.

**سیم** сим – кумуш: **سیمین** симин – кумушдан ишланган.

3. **(-и) ی** (йойэ нэсбат) форс тилида сермахсул сифат ясовчи қўшимча ҳисобланади. **-и ی** қўшимчаси бирор нарсанинг ўзақдан англашилган нарсага бўлган муносабатини, шунга тегишли эканлигини, бирор жойга бўлган нисбатини, ишланган материали маъноларини билдирувчи сифатлар ясаydi.

**ادب** адаб – адаб: **ادبی** адаби – адабий.

**دیوار** дивор – девор: **دیواری** дивори – деворий.

**توس** тус – тус: **توسی** туси – туслик.

3. **با (-بو)** қўшимчаси ўзак орқали ифода этилган нарса ёки хусусиятга эгалликни билдирувчи: **بی (би-)** қўшимчаси эса, ўзакда ифода этилган нарса ёки хусусиятга эга эмаслик маъноларини билдирувчи сифатлар ясайди:

**ادب** адаб – *адаб*: **با ادب** боадаб – *адабли*.

**ادب** адаб – *адаб*: **بی ادب** биадаб – *беадаб, адабсиз*.

**Матн**

### رستوران

دانشجویان بعد از کلاس های صبح برای خوردن ناهار به رستوران دانشگاه می روند. وقت ناهار از ساعت دوازده تا دوونیم بعد از ظهر است. دانشجویان اول سینی برمی دارند و در آن قاشق، چنگال و لیوان می گذارند. بعد غذا، سوپ و سالاد می گیرند. اگر بخواهند نوشابه هم می خرند. غذای رستوران اغلب چلو خورشت یا چلوکباب است. حمید و دوستانش معمولاً زود به رستوران می روند. آنها دوست دارند آهسته و با لذت غذا بخورند. بعد از ناهار هم بنشینند و صحبت کنند.

### Савол ва топшириқлар

1. Сифатлар қандай ясалади?
2. Сифат даражалари ҳақида гапиринг.
3. Матнни ўқинг, янги сўزلарни ёд олинг.

### 17-МАВЗУ

### ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ. ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

#### Режа:

1. Феълларнинг ясалиши.
2. Отларнинг ясалиши.

**Феълларнинг ясалиши.** Форс тилида туб, ясама ва қўшма феъллар бўлади. Феъл отга **یدن (-идан)** қўшимчасини қўшиш билан ясалади:

**فهم** фаҳм – тушуниш + (-идан): **فهميدن** фаҳмидан – атамоқ.

**دزد** дўзд – ўғри + (-идан): **دزديدن** дўзидан – ўғирламоқ.

Бундан ташқари, феъллардан олдқўшимчалар воситаси билан ҳам янги феъллар ясалади. Форс тилида феъллардан феъл ясовчи олдқўшимчалар қуйидагилардир:

1) **بر** бар қўшимчаси юқорига, ташқарига бўлган ҳаракатни ифодаловчи феъл ясайди: **داشتن** доштан – эга бўлмоқ: **بر داشتن** бар доштан – қўтармоқ.

2) **در** дар қўшимчаси ичкари томонга бўлган йўналишни ифодаловчи феъл ясайди: **آمدن** омадан – келмоқ: **درآمدن** даромадан – кирмоқ.

3) **فرا** фаро қўшимчаси бирор нарсанинг атрофига бўлган йўналишни ифодаловчи феъл ясайди:

**گرفتن** гэрэфтан – олмоқ, ушламоқ: **فرا گرفتن** фаро гэрэфтан – ўраб олмоқ, эгалламоқ

4) **فرو** фўру, фўруд қўшимчалари пастга томон ҳаракатни ифодаловчи феъллар ясайди: **آمدن** омадан – келмоқ: **فرو آمدن** фўруд омадан – тушмоқ.

5) **وا** во қўшимчаси ҳаракатнинг такрорланиши, тескари ҳаракат маъноларини ифодаловчи феъллар ясайди:

**پرسیدن** пўрсидан – сўрамоқ

**وا پرسیدن** во пўрсидан – қайта сўрамоқ

6) **باز** боз равиши тескари такрор ҳаракат маъносини ифодаловчи феъл ясайди: **آمدن** омадан – келмоқ: **باز آمدن** боз омадан – қайтиб келмоқ.

**Мураккаб феълларнинг ясалиши.** Мураккаб феъл бирдан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Бунда икки ва ундан ортиқ ўзақлар семантик ва грамматик томондан яхлит бир бутунликни ҳосил қилиб, феъл таркибидаги сўзлар биргаликда бир маънони билдиради, гапда бир синтактик вазифани бажаради.

Форс тилида мураккаб феъллар асосан от ва феълдан таркиб топиб, унинг биринчи – от қисми етакчяи ҳисобланади. Мисоллар:

**التماس کردن** илтимос кардан – илтимос қилмоқ

**خرج کردن** харж кардан – жамламоқ



Отларнинг ясалиши. Форс тилида отлар ўзбек тилидаги сингари от ясовчи қўшимчалар воситаси билан ҳамда синтактик – композиция йўли билан ясалади. Форс тилида сермаҳсул от ясовчи қўшимчалар куйидагилардир:

1. به (-э) қўшимчаси от ва сонларнинг охирига қўшилиб, от ясайди:

دست даст – қўл. دسته дастэ – даста, тутқич.

چشم чашм – кўз. چشمه чашмэ – булоқ.

2. گر (-гар), بان (-бон), چی (-чи) қўшимчалари отларга қўшилиб, касб-хунар номини билдирувчи отлар ясайди:

کارگر кор – иш. کورگر коргар – ишчи.

باغ боғ – боғ. باغبان боғбон – боғбон.

توپ туп – тўп. توپچی тупчи – тўпчи.

3. ستان (-истон), زار (-зор), لاخ (-лох), سار (-сор), گاه (-гоҳ), كده (-каде) қўшимчалари отларга қўшилиб, ўрин-жой, макон маъносини билдирувчи отлар ясайди:

اوزبک ўзбак – ўзбек. اوزبکستان Ўзбекистон – Ўзбекистон.

گل гўл – гул. گلزار гўлзор – гулзор.

سنگ санг – тош. سنگلاخ санглох – тошлоқ.

کوه куҳ – тоғ. کوهسار куҳсор – тоғли.

دانش донэш – билим. دانشگاه донэшгоҳ – дорилфунун.

دانش донэш – билим. دانشکده донэшкадэ – факультет.

4. دان (-дон) қўшимчаси отларга қўшилиб, идиш номини билдирувчи отлар ясайди:

گل гўл – гул. گلدان гўлдон – гулдон.

نمک намак – туз. نمکدان намакдон – туздон.

5. هم (-ҳам) қўшимчаси отларнинг олдига қўшилиб, биргалик, ўртоқлик маъноларни билдирувчи отлар ясайди:

راه роҳ – йўл. همراه ҳамроҳ – йўлдош.

فکر фэкр – фикр. همفکر ҳамфэкр – фикрдош, маслакдош.

6. به (-э), آر (-ор), یش (-эш), آک (-ок) қўшимчалари феъл ўзақларига қўшилиб, отлар ясайди:

دید	дид:	دیده	дидэ – кўз.
انداز	андоз:	اندازه	андозэ – ўлчов, андаза.
رفت	рафт:	رفتار	рафтор – одим, ҳаракат.
پرس	пўрс:	پرسش	пўрсиш – савол.
خور	хўр:	خوراک	хўрок – емиш.
پوش	пўш:	پوشاک	пўшок – кийим.

7. ى (-и) (йойэ масдари) урғули и қўшимчаси сифатларнинг охирига қўшилиб, мавҳум маънони ифода этувчи отлар ясайди:

خوب хуб – яхши: خوبی хуби – яхшилик.

بد бад – ёмон: بدى бади – ёмонлик.

Шунингдек, отлар синтактик-композиция йўли билан ҳам ясалади. Бунда икки ва ундан ортиқ ўзакларнинг бирикувидан – асмоз мўраккаб – қўшма отлар ҳосил бўлади. Масалан:

شباتروز шабонруз – кеча-кундуз.

آمدورفت омадў рафт – борди-келди.

#### Савол ва топшириқлар

1. Форс тилида феъллар қандай ясалади?
2. Мураккаб феълларнинг ясалиши қандай?
3. Отларнинг ясалиши ҳақида гапиринг.

#### 18-МАВЗУ

#### ПАЙТ ВА ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

##### Режа:

1. Пайт эргаш гапли қўшма гаплар.
2. Шарт эргаш гапли қўшма гаплар.

Пайт эргаш гап бош гаптаги иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш пайтини билдиради.

Форс тилида пайт эргаш гаплар бош гапга боғловчи ва боғловчи ўрнидаги пайт маъносини билдирувчи сўзлар воситаси билан боғланади.

Булар қуйидагилар: **وقتیکه** вақтикэ – вақтики; **چون** чун – қачонки.

Боғловчи ва боғловчи ўрнидаги сўзлар воситаси билан бош гапга боғланадиган пайт эргаш гаплар бош гапдан олдин келади. Масалан:

**وقتیکه در آدم او خوابیده بود** Вақтикэ даромадам, ў хобидэ бўд.  
– (Мен) уйга кирганимда, у уйқуда эди.

Пайт эргаш гапнинг боғловчилари гап бошида келади. Фақат кэ боғловчиси бундан мустаснодир, яъни бу боғловчи гап ичида – гапнинг бирор бўлагидан сўнг келиши мумкин:

**سرد شد از خاته بیرون نرفتیم** Ҳавокэ сард шўд, аз хонэ бирун нарафтим – Ҳаво совиб кетгач, (биз) уйдан ташқарига чиқмадик.

Пайт эргаш гапларда гапнинг кесими турлича замонларни кўрсатувчи феъллар билан ифодаланиши мумкин.

Агар иш-ҳаракат ўтган замонга доир бўлса, эргаш гапнинг кесими ўтган замон феълларининг бири билан, агар иш-ҳаракат ҳозирги замонга оид бўлса, эргаш гапнинг кесими ҳозирги-келаси замон феъли билан, агар иш-ҳаракат келаси замонга тегишли бўлса, эргаш гапнинг кесими ҳозирги келаси ёки келаси замон аниқ феъли билан ифодаланади.

**Шарт эргаш гапли қўшма гаплар.** Шарт эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан бажарилишини билдиради.

Форс тилида шарт эргаш гап бош гапдан олдин келади ва бош гап билан **аگر** (агар) боғловчиси орқали боғланади. Шарт эргаш гапнинг кесими шарт мазмунининг характери ва пайтига кўра тегишли замон феъл шакллари билан ифодаланади.

Агар эргаш гаплардаги шарт келаси замонга доир бўлиб, аниқ воқеани ифодаласа, эргаш гапнинг кесими феълнинг орзу-истак шакли, бош гапнинг кесими эса феълнинг ҳозирги-келаси, келаси замон шакллари билан ифодаланади.

**اگر سرت درد میکوند به دبیرستان نرو** Агар сарат дард микунад, бэ дабирэстон нарав – Агар бошинг оғриётган бўлса, мактабга борма.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда **аگر** (агар) боғловчиси ўрнида **هرکه** ҳаркэ, **هر کسیکه** ҳар касикэ – кимки, **هرچیزیکه** ҳар чизикэ – нимаки сўзлари ҳам келиши мумкин.

**اگره که با بدان نیشیند نیکی نییند** Ҳаркэ бо бадон нишинад, ники на бинад – Кимки ёмонлар билан ўтирса, яхшилиқ кўрмайди.

## Савол ва топшириқлар

1. Шарт эргаш гапли қўшма гаплар қандай ясалади?
2. Пайт эргаш гапли қўшма гапларнинг ясалиши ҳақида гапиринг.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

### а) илмий-назарий ва методологик адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фикр ва мулоҳазалари (Хронологик тўплам) // Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Ў МЭ, 2000.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Танланган асарлар. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

### б) манбалар

4. Домла Муҳаммад Шариф-оға Нақий. Тож ат-таворих. – инв.№2092 (ёки инв.№9265). – **داملا محمد شريف- اغا نقي. تاج التواريخ**
5. Жумъақули Ургутий Самарқандий. Тарихи Хумулий. – инв. № 7/VI. – **جمعه قلى اوركوتى سمرقندى. تاريخ خمولى**
6. Мажзуб Намангоний. Тазкират ал-авлиё. – инв. №1337; (№2662/II). – **مجزوب نمنگاني. تذكرة الاوليا**
7. Мир Муҳаммад Олим Бухорий. Фатҳномаи султоний. – инв. №1838. – **مير محمد عالمبخاري. فتح نامه سلطاني.**
8. Мир Муҳаммад Сиддиқ ибн Сайид Музаффар. Зайли тарихи Муқимхоний. – инв. №2663/III. – **مير محمد صديق بن سيد مظفر. مير محمد صديق بن سيد مظفر.**
9. Мир Ҳусайн ибн Амир Ҳайдар. Маҳозин ат-тақво. – инв. №51. – **مير حسين بن امير حيدر. مخازن التقوى.**

10. Мир Ҳусайн ибн Амир Ҳайдар. Тарихи салотини ўзбакӣя, аштархонийя, манғитийя. – инв. №112Л. – *ميرحسين بن اميرحيدر. تاريخ سلاطين اوزبكيه اشطرخانيه مانغطيه*
11. Мирзо Абдулазим Сомий. Тухфаи шоҳий. – инв. №1458Л. *ميرزا عبد العظيم سامي. تحفه شاهي.*
12. Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим. Тарихи Салимий. – инв. №2016. – *ميرزا سليم بيك بن محمد رحيم. تاريخ سليمي.*
13. Мирзо Содиқ Мунший. Дахмаи шоҳон. – инв. №1792. – *ميرزا صادق منشي. دخمه شاهان.*
14. Мирзо Содиқ Мунший. Тарихи Манзум. – инв. №2731/III. – *ميرزا صادق منشي. تاريخ منظوم*
15. Мирзо Содиқ Мунший. Футуҳоти Амири Маъсум ва Амир Ҳайдар. – инв. №40/IV. – *ميرزا فتوحات امير معصوم و امير حيدر. صادق منشي.*
16. Мулло Ибодуллоҳ (Мулло Муҳаммад Шариф). Тарихи Амир Ҳайдар. – инв. № 1836. – *ملا عباد الله (ملا محمد شريف). تاريخ اميرحيدر.*
17. Муҳаммад Носириддин ал-Ҳанафий ал-Ҳусайний ал-Бухорий. Осор ас-салотин. – инв. №1422. *محمد ناصر الدين الحنفي الحسيني البخاري. آثار السلاطين*
18. Мактуботи Амир Музаффар ба Саййид Мирак ва ароиз Саййид Мирак. [Амир Музаффарнинг Саййид Миракка хатлари ва Саййид Мирак аризалари], ЎзР ФА ШИ, инв. №1740.
19. Муҳаммад Яъқуб ибн Амир Дониёл. Гулшан ал-мулук. – инв. №1507/III. – *محمد يعقوب بن امير دانيال. گلشن الملوك*
20. Муҳаммад Яъқуб ибн Амир Дониёл. Тарихи амирони манғит. – инв. №2726Л. – *محمد يعقوب بن امير دانيال. تاريخ اميران منغيط*
21. Муъин. Зикри теъдади подшоҳони ўзбак. – инв. №4468/IV. – *معين. ذكر تعداد پادشاهان اوزبك.*

22. Муҳаммад Носир ибн Амир Музаффар (Носириддин Тўра). Таҳқиқот ал-Бухоро. – инв. №19. – محمد ناصر بن امير مظفر. تحقيقات البخاري

23. Шарифжон Махдум – Садри Зиё. Тарих. – инв. №2241. – شريف جان مخدوم – صدر ضيا. تاريخ

#### в) ўқув-услубий адабиётлар

24. Abdusamadov M., Vafoiy A. Va boshqalar. Forscha-o'zbekcha lug'at. – Тошкент: “Fan”, 2006.

25. Арабча-Ўзбекча луғат: 7 минг сўз ва ибора // тузувчилар: Иброҳимов Н. ва бошқ. – Тошкент, 2000.

26. Баранов А.В. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1961.

27. Бобобеков Ҳ. ва бошқ. Алифбо. – Тошкент: Ёзувчи, 1998.

28. Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001.

29. Иброҳимов Н. Ўзбекча-арабча сўзлашгич. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

30. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси, 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1997.

31. Иномхўжаев Р., Умаров И. Араб-ўзбек ёзуви. – Тошкент, 1993.

32. Талабов Э. Араб тили дарслиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.

33. Солиҳ Ҳ. Алифбо (мустақил ўрганувчилар учун). – Тошкент: Фан, 1989.

34. Шермуҳаммедов Т. ва бошқ. Ўқиш китоби. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.

35. Халидов Б.З. Учебник арабского языка. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.

36. Халилов Л. Форс тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

## ИЛОВАЛАР

### 1-илова

Мирхонднинг “Равзат ас-сафо” асаридан.

ذکر جلوس حضرت صاحب قران نوبت دویم پر سریر اقبال و جہانبانی  
... سلطان سپہر اقتدار خورشید وار پر مسند خلافت و جہان باتی پر  
امد و خاتم سلطنت بامداد دست بدست بیقرار میگشت بقبضہ تصرفش  
درآمد خازن تقدیر بعنایت ملک قدیرنجوم سعادت آثار پر سیم نثار ایثار  
کرد و عالم قضا بحکم حق جل و علا حاصل روزگار بطریق پیشکش  
طبق عرض نہادہ پیش آورد امرای عالی تبار و نوینان رفیع مقدار حوز  
اواز کمر خدمت بر میان بستہ در مقام خویش پایستادند و سائر اکابر...  
در اطراف بارگاہ سپہر اشتباہ قرار گرفته چشم و گوش باشارت و  
فرمان پادشاہ عالیجہا نہادند

### 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний  
номидаги Шарқшунослик институтида 7371-рақамли қўлёзма колофони.  
Асар форс адабиёти асосчиларидан бири **مصلح الدين بن عبد الله**  
қаламига мансуб **گلستان** бўлиб, ҳижрий 656 йили ёзилгандир.  
Хаттот, хоразмлик шоир **يوسف البيهقي ابن بابا جان بيك**  
сўнгида қуйидагиларни ёзган:

تمت الكتاب بعناية الملك الوهاب على يد احقر العباد محمد يوسف  
البيهقي ابن بابا جان بيك غفر الله ذوبهما و ستر عيوبهما و هذا من نتايج  
الافكار في ختم هذا الكتاب  
ابن گلستان سعدي شیراز  
رحمة الله عليه والغفران  
یافت تحریر اندر استعجال  
شده فرمان واجب الازعان  
یکهزار سه صدو هژده بود

سنه هجری مسلمانان  
افتتاح هم اختتام او وست  
داد اندرین مه شعبان  
که بماند درین جهان جاوید  
گفت حق کل من علیها فان  
بس همان به که جد جهد کنند  
تا که یاد آوری نهند در آن  
از بیانی ابن بابا بیک  
غفر الله عنهما العصیان  
یادگاری بماند در عالم  
از طفیل خلیفه الرحمن  
قامع الظلم ماحی البدعت  
مظهر العدل منبع الاحسان  
یعنی آن شاه ذوالکرم فیروز  
شاه عالیجناب شاه نشان  
که محب بود از پدرهایش درجهان  
بر افاضل دوران  
مرحمت می نمود لایق حال  
مرتبت می فزود لایق شان  
گاه میگفت شعر در میسفت  
کالحسینی والعمر سلطان  
پی رو آگهی شد اندر نظم  
کوی سبقت ربود در عرفان  
این که گفتم تخلص او بود  
لیک اندر میان سلطانان  
اسم فرخنده اش ابو الغازی  
شه محمد رحیم بهادر خان  
عظم الله قدره فی الدهر



3-илова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 7363-рақамли қўлёзма номи таржима ва таълиб, уни қарай қарай таржима ва таълиб қилган. Асар 1296 йил Ражаб ойида ёзилган. **Мла رحمن قلى** қуйидаги иловани ҳам битган:

نعت شريف اهل الله فقير الله نينگ تصنيفى دين غفر الله له و لوالديه بو  
 كتاب نينگ مٹمی

ای دل مدام دردو غم

مصطفی طلب ٹ

جورو جفای عشق شه دو طلب ٹ

مجروح گشته ز غم هجر مصطفی ٹ

خاک شفا ز روضه خیر الورا طالب ٹ

از هند کی رسد بعرب ناله شیم ٹ

ای خفته بخت منت باد صبا طلب ٹ

سازند حور عین ملک توتیای چشم ٹ

کرد و غبار خاک در مصطفی طلب ٹ

آب حیات لعل لبش بهر تشنه کام ٹ

ای گشته فراق تو آب بقا طلب ٹ

آسری بعبده ست ز معراج تو عیان ٹ

در ساعتی شدی ز گجا تا گجا طلب ٹ

مین ثربه دنی فتنلی بقول رب ٹ

اوحی الیه ربه اعطاها طلب ٹ

ایجاد عالم ست وجود مبارکش  
 لوح و قلم مه خورو ارض سما طلب  
 زین هم اگر نیایدت ای مدعی یقین  
 لولاہ ما خلقت حدیث صفا طلب  
 وصف نبی آل نبی کی شود تام  
 بس وصف چہار یار بصدق صفا طلب  
 یو بکر یار غار عمر بود شہسوار  
 عثمان جان نثار علی مرتضی طلب  
 از راحت علی و جگر گوشہ نبی  
 خیر الجزاء حضرت خیر الوری طلب  
 بر خیر غرم ساز بہ بطحا ازین دیار  
 ای طالب رسول رہ حق نما طلب  
 وصف نبی تمام نشد از کس ای فقیر  
 بعد از خدا بزرگ حبیب  
 خدا طلب

تم الکلام بعون الملک العلام  
 فقاہت شناس خرد مند لار فطانت اقتباس دانشمند لار دین توقع و ترصد  
 اولکیم هر سهو و خطای کی و واقع بولغان بولسه مرحمت و رأفت  
 محکاکی بیله حک قیلغایلار و هر نقصان و نسیانی کیم بولغان بولسه  
 شفقت خامه سی بیله صک قیلغایلار عیب جولیق کوزین اعراض اینتیب  
 سیر پوش لیق ذیلین آنگا یاقایلار بو بیچاره دعاگوینی خجالت زده و  
 شرمسار قیلماغایلار تاریخ هجری مینگ داعی ایکی یوز توقسان آلتی  
 مواف تاوشقان بیلی رجب المرجب آبی نینگ هفته سی ایردی بو کتاب  
 نینگ ترجمه سی احقر عباد الله الباری المنقدس ملا رحمن قلی القاری  
 المدرس نینگ قولیده اتمامه یتى اللهم اغفر لکاتبه و لقارنه و لمن نظر  
 الیه وللمؤمنین و المؤمنات بحق النبى و شفیع العصاة سنه 1296

#### 4-илова

Исмоилхон Иброхимхон ўгли Фақирий Шаҳрисабз шаҳрида ҳижрий 1328, милодий 1910 йилда зиёли оиласида таваллуд топганлар<sup>2</sup>. Фақирий шоирнинг адабий таҳаллуси бўлиб, ота-боболари маърифатли, олим кишилар эканлиги манбаларда қайд қилинган. Фақирий Китоб тумани Сариосиё қишлоғида яшаб, 1980 йил 4 январь куни вафот этдилар. Бу зотнинг қабрлари шу қишлоқнинг Катта қабристонидадир.

Фақирий ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган зуллисонини шоирдир. Бундан ташқари, у киши араб ва рус тилларини ҳам яхши билганлар. Шоирнинг «Девон», «Баёз», «Ашъори мутаффарриқот» каби шеърини тўпламлари, шайх сифатида ёзиб қолдирган «Рисолаи тариқи зикр», «Рисолаи тариқат», «Тариқати сулук» номли тасаввуфий рисолалари ҳамда дуохонлик, тиббиётга бағишланган «Китоби адъйи мин мужарработи Халили Ихвон» («Халил Ихвон (Фақирий) томонидан тажриба қилинган дуолар китоби») деб номланган асарлари ҳозирги кунда фарзандлари ихтиёридаги шахсий кутубхонада сақланади. Кутубхонада яна элликка яқин қўлёзма ва юздан ортиқ тошбосма асарлар мавжуд<sup>3</sup>.

Яқинда шоир ижодидан намуналарни жамловчи «Баёзи Фақирий» китоби нашр қилинди<sup>4</sup>. Биз шоир ижодидан айрим намуналарни келтираямиз.

#### غزل

اي دوستانم از من از خيرو شر نبرسيد  
از ماضی و مضارع از من خير نبرسيد

از بسکه بی خیالم در فکر لعل جانان  
مانند صورتم من نفع ضرر نبرسيد

<sup>2</sup> Ҳозир бу кўча Фақирийнинг тоғалари Равнақий номида бўлиб, Фақирий туғилган 51-рақамдаги уйда у кишининг набиралари яшайди.

<sup>3</sup> Sh.Vahidov. Les particularites paleographiques et codicologiques des fonds particuliers de Rawnaqi et Faqiri (Sahrisabz, Ouzbekistan) //Manuscripta Orientalia.Vol. – 9 No. – 3 September 2003. – P. 52-56.

<sup>4</sup> Исмоилхон Фақирий. Баёзи Фақирий. – Тошкент: Адолат, 2004. – 200 б.

وردم همیشه در لب ذکر حدیث جانان  
از من بجز وصالش فکر و ذکر نبرسید

انها که عشق جانان در دل مدام دارند  
زان عاشقان بغیر از خون جگر نبرسید

ابنای دهر هر کز قدر کسی ندانند  
ز آهنگران بهای سیم و کهر نبرسید

ان کسکه علم دارد اما عمل ندارد  
مانند نخل بیبر از وی ثمر نبرسید

هر کز به دل ندارد علم و هنر فقیری  
قانون شاعری را زین دریدر نبرسید

### رباعی

نه تند و کهن نه نازنین میماند  
نه شاعر و شعر نمکین میماند  
خوش خلق کلام خوش تملق باشید.  
دنیا کز ران است همین میماند

از مخمس فقیری به غزل لطفی

کی بود باد صبا از یارم اخبار آورد  
مزدهای مرحمت زان شوخ عیار آورد  
مرحم شفقت به تن زان شهکفتار آورد  
کاش نخل ارزو در زنتکی بار آورد  
دست مطالب غنجهء امید بی خار آورد

ای فقیری من اسیر عشق کشتم از ازل  
افسر ناموس کردم خرقهء جلرا بدل  
بهر احسان ان سه تمکر میکند بر من حیل  
نه به لطفی رحم فرماید نه به قلم جدل  
تاجدار حسن مارا بر سر دار آورد

## МУНДАРИЖА

1-мавзу. Кириш. Фаннинг мақсад ва вазифалари ... ..	3
2-мавзу. Араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви хусусиятлари ...	5
3-мавзу. Эски ўзбек ва форс алифбоси. Абжад ҳисоби ... ..	8
4-мавзу. Форс тилининг тараққиёт босқичлари.....	12
5-мавзу. Форс тилида кишилиқ олмошлари ва сўроқ гаплар ... ..	14
6-мавзу. Эғалиқ қўшимчалари. Кўрсатиш олмошлари. Отларда кўплик ... ..	18
7-мавзу. Изофа. Кўмакчилар ... ..	20
8-мавзу. Феъл. Феъл замонлари. Ўтган замон феъли. Ўтган замон аниқ феъли ... ..	24
9-мавзу. Ўтган замон давом феъли. Ўтган замон ҳикоя феъли ... ..	26
10-мавзу. Феълнинг ҳозирги замон ўзаги ... ..	28
11-мавзу. Сифатдош ... ..	32
12-мавзу. Феълнинг орзу-истак майли ... ..	34
13-мавзу. Узоқ ўтган замон феъли. Феълнинг гумон шакли ... ..	36
14-мавзу. Келаси замон феъли ... ..	38
15-мавзу. Феълнинг буйруқ майли. Феълнинг мажҳул нисбати ... ..	40
16-мавзу. Сифат даражалари. Сифатларнинг ясалиши ... ..	42
17-мавзу. Феълларнинг ясалиши. Отларнинг ясалиши ... ..	44
18-мавзу. Пайт ва шарт эргаш гапли қўшма гаплар ... ..	47
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ... ..	49
Йловалар ... ..	52

## Изоҳ ва қайдлар учун

1. ...

2. ...

3. ...

4. ...

5. ...

6. ...

7. ...

8. ...

9. ...

10. ...

11. ...

12. ...

13. ...

14. ...

15. ...

16. ...

17. ...

18. ...

19. ...

20. ...

Изоҳ ва қайдлар учун

1992 йили 12 апрелда

1992 йили 12 апрелда

1992 йили 12 апрелда

1992 йили 12 апрелда

1992 йили 12 апрелда

1992 йили 12 апрелда



2000 с

*Илмий-услубий нашр*

**МАСЪУДХОН ИСМОИЛОВ**

**ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ  
ВА ФОРС ТИЛИ**

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ  
**Мусаҳҳиҳ:** Шаҳноза ТЎРАХЎЖАЕВА  
**Бадий муҳаррир:** Баҳриддин БОЗОРОВ  
**Техник муҳаррир:** Дилшод НАЗАРОВ

Нашриёт рақами: № 30.  
Босишга рухсат этилди: 03.03.2010 й.  
Қоғоз бичими: 60x84 1/16. Times гарнитураси.  
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 100 нусха.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 1,9. Босма т.: 4,0.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Буюртма № 94.

«АКАДЕМНАШР» нашриётида нашрга тайёрланди.  
100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзе, 42-уй.  
Тел.: (+99897) 331-56-22. E.mail: [akademnashr@mail.ru](mailto:akademnashr@mail.ru)


“КО‘НИ NUR” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Машинасозлар мавзеси, 4-уй.

av 1200c

1/1/44



ISBN 978-9943-373-28-0



9 789943 373280

